

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма хуқуқида
УДК:628.349.94.3

АРТИКБАЕВ ХУСНИДДИН БАХРИДДИНОВИЧ
5A 340401 Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини мухофаза
қилиш ва улардан самарали фойдаланиш мутахасислиги

“Шаҳар оқова сувларини чуқур тозалашда замонавий
қурилмаларни қўлланилишини тадқиқ этиш”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга

руҳсат берилди

“СТК ва СРМК” кафедраси мудири,

т.ф.н, доц. Қ.А.Якубов. _____
баённома

Илмий раҳбар: т.ф.н.,доц.
Жўраев О.Ж._____

« ____ » _____ 2018 йил

Самарқанд-2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
М.УЛУҒБЕК номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Факультет **Мухандислик коммуникациялари қурилиши**
Кафедра **“Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини мухофаза қилиш”**
Ўқув йили **2017-2018**
Магистратура талабаси **Артиқбаев Хусниддин Бахриддинович**
Илмий раҳбар **т.ф.н., доцент Жўраев О.Ж.**
Мутахассислиги **5A 340401 Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини мухофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш**

Аннотация

Республикамизнинг шаҳар аҳолисининг қунлик эҳтиёжларидан ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалашга бўлган талабнинг йил сайин ошиб бориши ва оқова сувларни тозалашда замонавий янги технологик ускуналарнинг қўлланилиши ўз навбатида шаҳар оқова сувларини тозалаш даражасини оширишни тақоза этади. Шунинг учун хам диссертация мавзуси **долзарб мавзу** бўлиб ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари Шаҳар аҳолисидан ҳосил бўладиган оқова сувларини тозалаш жараёнини яхшилашдан иборат. **Тадқиқот обьекти ва предмети** сифатида шаҳар аҳолисидан ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалаш тизими қабул қилинди.

Тадқиқот услублари. Шаҳар аҳолисидан ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалаш иншооти тизимлари таҳлил қилинди ва шаҳар оқова сувларини тозалаш иншоотларида тозалаш жараёнини ўрганиш лаборатория қурилмасида олиб борилади. Тажриба ўтказишда сув сифатида шаҳар оқова сувларини тозалаш иншоотларидан олиниб тайёрланади. **Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилиги** таркибида ҳар хил ифлосликлар бўлган шаҳар оқова сувларини тозалаш иншоотларида тозалаш жараёни ҳисобланади. Тадқиқот натижаларининг **амалий ахамияти** шаҳар оқова сувларнинг тозаланиш даражасини ошириш бўйича тавсиялар киритилди. **Диссертация иши** учта бобдан варақ машинада ёзилган текст, жадвал, расм ва адабиётлар руйхатидан иборат.

Илмий раҳбар _____ Жўраев О.Ж.

Магистратура талабаси _____ Артиқбаев. Х.Б.

Мундарижа

Кириш.....	5
I боб. Шаҳар оқова сувларининг таркиби ва уларни тозалаш усулларининг таҳлили.....	11
1.1. Шаҳардан ҳосил бўладиган оқова сувларнинг турлари ва таркиби...11	
1.2. Шаҳар оқова сувларини тозалаш усулларининг таҳлили.....13	
1.3. Таркибida муаллақ моддалари мавжуд бўлган оқова сувларга ишлов бериш назарияси.....31	
1.4. Котеджларнинг майший оқова сувларини ихчам қурилмалар ёрдамида тозалаш.....34	
I боб бўйича хулоса.....38	
II боб. Шаҳар оқова сувларининг таркиби, хоссалари, ифлосликлари, қабул қилиш шартлари ва ихчам қурилмаларда тозалаш.....	43
2.1. Шаҳар оқова сувларининг таркибий ва хоссалари.....43	
2.2. Оқова сувларда эrimаган ифлосликлар.....44	
2.3. Оқова сувларини оқизиш тармоқларига қабул қилиш шартлари ...47	
2.4. Шаҳар оқова сувларини флокулянтлар ёрдамида ихчам қурилмаларда тозалашни мавжудлари билан таққослаш.....49	
II боб бўйича хулоса.....54	
III боб. Шаҳар оқова сувларини чуқур тозалашда замонавий қурилмаларни қўлланилишини тадқиқ этиш жараёнини ўрганиш.....	57
3.1. Ихчам қурилма ва унинг ишлаш жараёни.....57	
3.2. Ихчам қурилманинг назарияси ва ҳисоби.....60	
3.3. Лаборатория қурилмаси тузилиши ва тажриба ўтказиш услублари.....61	
3.4. Эксперимент тадқиқотлар натижалари ва уларни таҳлил қилиш.....66	
III боб бўйича хулоса.....69	
Адабиётлар руйхати.....	71

Кириш

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва янада оқилоналироқ фойдаланишга боғлиқ масалалар катта аҳамият касб этади.

Сувнинг заарли таъсирларини бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, балиқчилик хўжалиги тизимлари яратилмоқда. Дарё оқимларини алоҳида сув ҳавзалари ичидаги ҳамда улар оралиғида қайта тақсимлаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Маҳаллий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш муаммолари дикқат марказида турибди. Бу муаммоларнинг ўз ечимини топиши сув ва қишлоқ хўжалиги ривожланишида янги йирик босқични ташкил этади.

Ҳозирги пайтда сув ҳавзаларини ифлосланишини олдини олишга жуда катта аҳамият берилган. Хўжалик – майший ва саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувлар маълум бир иншоотларда тозаланиб, улар яна сув ҳавзаларига оқизилади. Шу билан бирга сув ҳавзаларини маълум даражада ифлослантирилади. Кейинги йилларда хукуматимиз ва давлатимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилиниб, улар асосан сув ҳавзаларининг санитария ҳолатларини яҳшилашга қаратилгандир.

Саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини тез ривожланиши сув ҳавзаларини оқова сувлар билан ифлосланишнинг бирдан – бир омилидир. Қўп миқдорда оқова сувларни сув ҳавзаларига тушириш билан бирга, уларнинг тозалигини сақлаб қолиш халқ хўжалигига муҳим вазифалар қаторига киради. Шунинг учун ҳам оқова сувларнинг тозалаш усулини тўғри танлаш билан сув ҳавзаларига тушириладиган оқова сувларни санитария меъёрлари талабига тўла мувофиқ қилишини таъминлаш мумкин.

Оқова сувларнинг таркибида ҳар хил турдаги ифлос моддалар бўлади. Уларнинг таркибидаги органик ифлос моддалар, бактериялар ривожланиши учун қулай шароит яратади. Шунинг учун оқова сувларни тозалашда уларнинг таркибидаги ифлос моддаларни, айниқса органик моддаларни сувдан ажратиб олиш ва заарсизлантириш мухим омиллардан биридир.

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, бозор ислоҳатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳукуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг ҳукуматимиз томонидан амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатмоқда [6,7]. Республикамиз шаҳарларини тубдан замонавий тусда кўркамлаштириш, аҳолини алоҳида турар жой билан таъминлаш, аҳолининг янгидан янги ва сифатли сувга бўлган талаблари кескин равишда ошиб кетди. Ундан ташқари бу маҳсулотларга чет эллардан ҳам кўплаб талаблар тушмоқда ва сармоялар киритилмоқда. Шаҳар оқова сувларини замонавий иншоотларда ишлов беришда эски технологиялар ўрнига янги замонавий қурилмалари ишлаб чиқилмоқда. Ишлов бериш технологик жараёни ўзгармоқди. Шаҳардаги аҳолининг мунтазам равишда ўсиши ва ҳар хил турдаги саноат корхоналарининг ривожланиши натижасида ҳар хил ифлосликларга эга бўлган оқова сувлар ҳосил бўлади. Шунинг учун шаҳар оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда шаҳар оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш **энг долзарб мавзу** бўлиб ҳисобланади.

Диссертация ишини бажаришда **тадқиқот обьекти** сифатида шаҳарга қарашли оқова сувлар қабул қилинди. Шаҳардаги завод ва фабрикалар ҳар хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарига ихтисослашган бўлиб, корхоналар таркибида турлича цехлар ҳамда

ёрдамчи бўлинмалар мавжуд. Диссертация ишини бажаришда **тадқиқот предмети** сифатида шаҳардан ҳосил бўладиган майший ва ишлаб чиқариш оқова сувлари қабул қилинди.

Тадқиқотнинг мақсади Шаҳарда сувдан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш ва шаҳардан ҳосил бўладиган майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш жараёнини яхшилашдан иборат. Кўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги масалаларни (**вазифаларни**) ечиш талаб қилинади:

- шаҳардан ҳосил бўладиган оқова сувларнинг турлари ва таркибини ўрганиш;
- шаҳар оқова сувларини оқизиш тизимларини ўрганиш;
- шаҳар оқова сувларини тозалаш усусларини таҳлил қилиш;
- таркибида ҳар хил ифлосликлар бўлган оқова сувларни тозалаш назариясини ўрганиш;
- шаҳар оқова сувларини тозалаш жараёнининг математик моделини тузиш;
- шаҳар оқова сувларини тозалаш бўйича эксперимент тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;
- шаҳарнинг сувдан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар киритиш;
- шаҳар оқова сувларини тозалаш жараёнини яхшилаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар юритиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари Шаҳардан ҳосил бўладиган, таркибида ҳар хил ифлосликлар бўлган оқова сувларни тозалаш жараёнини таҳлил қилиш, оқова сувларни тозалаш назариясини ўрганиш, шаҳарда сувдан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш.

Шаҳардан ҳосил бўладиган, таркибида ҳар хил ифлосликлар бўлган оқова сувларни тозалаш усусларига бағишлиланган илмий техник **адабиётларнинг қисқача таҳлили** шуни қўрсатдики бундай оқова сувларни тозалашда замонавий иншоотларда тозалаш ишлатилади.

Замонавий иншоотларда тозалашнинг асосий афзалиги габарит ўлчамларининг ихчамлиги, иншоотнинг маълум ҳажмдан тозаланиш жараёнида фойдалана олмаслик ва сувнинг тозаланиш эфектининг юқорилигидир.

Замонавий иншоотларда тозаланганда эса оқова сувларнинг тозаланиш эфекти 98% гача етиши мумкин. Ундан ташқари бу ихчам курилмалар қўлланилганда иншоотнинг иш унумдорлиги анчага ўсади.

Бу курилмаларни қўллаб оқова сув таркибидаги ҳар хил турдаги ифлосликларни чўктиришнинг афзалиги оқова сувларни замонавий иншоотларда тозаланганда анча самарага эришиш имконини беради. Айниқса оқова сувларни тозалаш иншоотларида бу усул жуда қўл келади.

Шундай қилиб шаҳардан ҳосил бўладиган, таркибида ҳар хил ифлосликлар бўлган оқова сувларни тозалашда замонавий курилмаларни қўллаб тозалаш натижасида сувнинг тозаланиш даражаси ошади, иншоот эгаллаган майдон ва уни қуришга кетадиган капитал маблағлар бир қанчага камаяди. Ундан ташқари тозаланган оқова сувларни ҳавзаларга ташлашни ташкил қилиш мумкин ва атроф муҳитга бўлган таъсирини анча камайтиришга олиб келади.

Тадқиқотда қўлланиладиган услубларнинг қисқача тавсифи. Шаҳар оқова сувларининг таркиби ва уларни тозалаш усулларини таҳлил қилишда мазкур соҳага тегишли ўқув ва илмий техник адабиётлар, бажарилган диссертация ишлари ўрганилади ва таҳлил қилинади. Шаҳарнинг таркибий тузилиши ва фаолиятини ўрганиш, шаҳар оқова сувларини оқизиш тизимларини таҳлил қилиш бевосита мазкур шаҳарларга тегишли лойиҳалар, меъёрий – техник хужжатларни таҳлил қилиш асосида бажарилади. Шаҳар оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш жараёнини ўрганиш лаборатория қурилмасида олиб борилади. Тажриба ўтказишда модул оқова сув сифатида, шаҳар ва корхоналарнинг турли цехларидан ҳосил бўладиган оқова сувлар

аралаштирилиб тайёрланади. Шаҳар оқова сувлари таркибидаги ҳар хил турдаги ифлосликларни замонавий иншоотларда тозалаш услуби орқали аникланади. Тажриба ўтказишда сувнинг талаб этилган сифат кўрсаткичлари ва улушини аниқлаш таҳлил ўтказиш тартибига асосан тегишли қонун ва қоидалари бўйича олиб борилади.

Диссертация ишини бажаришда ўтказиладиган тадқиқот натижаларининг **назарий аҳамияти** сифатида қуидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

- таркибда ҳар хил турдаги ифлосликлар бўлган оқова сувларни замонавий иншоотларда тозалаш жараёни назарий жиҳатдан таҳлил қилинади ва эксперимент тадқиқот ўтказиш натижасида ўрганилади;
- шаҳар оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилади ва агарда тозаланаётган сувда заррачаларнинг гидравлик йириклиги маълум бўлса у холда бу моделни қўллаб замонавий иншоотларда тозаланиш даражасини ёки тозалашнинг талаб этилган даражада сувни тозалаш учун керакли кўрсаткичларини топиш мумкин бўлади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** сифатида қуидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

- шаҳардан ҳосил бўладиган майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш элементлари (блоки) билан қайта жиҳозлаш (модернизация қилиш) эвазига оқова сувларнинг тозаланиш даражасини ошириш кўзда тутилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги таркибida турли ифлос моддалар, асосан 90 – 95 % ифлосликлардан ташкил топган шаҳар оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш жараёнини таҳлил қилиш хисобланади.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши учта бобдан иборат бўлиб, диссертация ишининг **биринчи бобида** шаҳар оқова сувларининг таркиби ва уларни тозалаш усусларининг таҳлили

бўйича мазкур соҳага тегишли шаҳарлардан ҳосил бўладиган оқова сувларнинг турлари ва таркиби ўрганилиб чиқилди, шаҳар оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш усуллари таҳлил қилинди ва таркибida турли ифлосликларга эга бўлган оқова сувларни замонавий иншоотларда тозалаш назарияси қараб чиқилди. Диссертация ишининг **иккинчи бобида** эса шаҳарнинг таркибий тузилиши ва фаолияти, шаҳарнинг оқова сувларни оқизиш тизимлари таҳлил қилинди ҳамда шаҳарнинг сувдан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилди. Диссертация ишининг **учинчи бобида** шаҳар оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш жараёнини ўрганиш бўйича лаборатория курилмаси тузилиши ва тажриба ўтказиш услублари, оқова сувларини замонавий иншоотларда тозалаш жараёнининг математик модели ҳамда оқова сувларни замонавий иншоотларда тозалаш бўйича ўтказилган эксперимент тадқиқотлар натижалари келтирилган. Ундан ташқари мазкур бобда шаҳар оқова сувларини тозалаш жараёнини яхшилаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

І БОБ. ШАҲАР ОҚОВА СУВЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

1.1. Шаҳардан ҳосил бўладиган оқова сувларнинг турлари ва таркиби

Шаҳар таркибидаги турли завод ва фабрикалар фаолият кўрсатиши натижасида яъни корхоналарда ҳар хил турдаги маҳсулотлари ишлаб чиқариш натижасида майший ва ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳосил бўлади. [13].

Шаҳардаги ҳар хил турдаги завод ва фабрикаларда халқнинг эҳтиёж талаблари учун керакли турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши натижасида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шаҳар аҳолиси ва корхоналардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши натижасида оқова сувларини тозалаш икки босқичда олиб борилади:

- майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини механик тозалаш;
- майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини биологик тозалаш.

Кўпчилик жойларда шаҳар оқова сувларини тозалаш умумий тартиbdаги тозалаш иншоотлари усулидан фойдаланиб келинмоқда. Бу усулда биринчи навбатда шаҳар оқова сувларини тозалаш иншоотлари таркиби ўрганилади. Шундан сўнг тозалаш ишлари амалга оширилади. Бу усулда оқова сувларни тозалаш жараёнида корхоналардан ҳар хил турдаги ифлосликлар шаҳар оқова сувлари таркибига қўшилишидан, унда ифлосликлар миқдори турлича ҳосил бўлиши кўзатилади ва натижада тозалаш сифати бирмунча пасаяди. Бугунги кунда эса шаҳар ва ишлаб чиқариш оқова сувларини замонавий қурилмалардан фойланилиб тозалаш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳардаги хўжалик – майший ва ишлаб чиқариш корхоналарининг оқова сулари учун замонавий қурилмалар ҳазирги кунда ишлатилиш айни куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шаҳар ва корхоналардан ҳар хил турдаги ифлос оқова сувлар тозалаш жараёнида ихчам қурилмалар

ишлатилади. Замонавий иншоотларда оқова сувларни тозалаш тизимида ишлатиладиган сувнинг сифатига қўйиладиган меъёрий талаблар юқори эмас.

Мазкур соҳага оид майший ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун умумлаштирилган оқова сув сарфлари миқдори [8] қўйидагича белгиланади:

- майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини механик тозалаш;
- майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини биологик тозалаш.

Шаҳардан майший ва ишлаб чиқариш оқова сувлар ҳосил бўлади. Ишлаб чиқариш оқова сувлари асосан маҳсулот ишлов бериш жараёнига боғлиқ ва турли жараёнларидан турлича оқова сувлар ҳосил бўлади. Мазкур соҳага оид оқова сувлар майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларнинг умумлаштирилган миқдорлари [8] қўйидагича белгиланади:

-тозалаш талаб этиладиган турлича ифлосликлар билан ифлосланган оқова сувлари – 288,0 м³;
-майший оқова сувлар миқдори – 262,00 м³;
-ишлаб чиқариш оқова сувлари миқдори – 26,00 м³.

Шаҳар оқова сувлари, ахолисининг кунлик эҳтиёжлардан ва корхона маҳсулотларига ишлов бериш жараёнидан ҳосил бўладиган оқова сувлар корхонанинг маҳаллий тозалаш иншоотларида тозаланиб шаҳар оқова сувларини оқизиш тармоқларига ташланиши натижасида, майший ва ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳосил бўлади ҳамда асосан таркибида ҳар хил турдаги ифлосликлар бўлган оқова сувларидан иборат. Ишлаб чиқариш оқова сувлари таркибидаги муаллақ моддолар миқдори 500 мг/л гача етиши мумкин, шаҳар оқова сувлари тозалангандан сўнг эса 15 – 20 мг/л гача туширилади. Оқова сувларнинг бошқа кўрсаткичлари меъёрлаштирилади. Шаҳардаги ҳар хил корхоналар таркибига кирувчи цехлар, гараж ва бошқа ёрдамчи цехлардан ҳосил бўладиган таркибидаги нефть маҳсулотлари, муаллақ ва бошқа моддалар бўлган оқова сувлар

маҳаллий механик тозалашдан сўнг хўжалик – майший оқова сувларини оқизиши тармоғига ташланади [13].

Шаҳар ахолиси ва корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқаришлари учун оқова сувлар миқдорларининг кўрсаткичлари жадвалларда келтирилган [13]. Жадвалдан кўринадики мазкур шаҳардан катта миқдорда сув ҳар хил талаблар учун ишлатилади. Ўртacha йиллик меъёр ёз ва қиш мавсумлари бўйича ўзгариб туради.

1.2. Шаҳар оқова сувларини тозалаш усулларининг тахлили

Шаҳарда ҳосил бўладиган майший ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳосил бўладиган оқова сувларнинг турлари ва таркибини ўрганиш натижасида шу нарса маълум булдики мазкур соҳага оид шаҳар оқова сувлар турличадир, асосан ҳар хил турдаги майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш жараёнида маълум бўлади. Аҳоли кунлик эҳтиёжлари ва корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида турли мақсадлар учун цехлардан турли таркибли сув ишлатилади ва турлича таркибли оқова сувлар ҳосил бўлади. Шаҳардан ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш оқова сувлари таркиби эса муаллақ ва минерал моддалардан ташкил топган.

Оқова сувлар таркибидаги муаллақ моддалар ва минерал жинслар одатда механик ва биологик йўл билан тозаланади. Оқова сувларни тозалаш усулларидан қайси бирини танлаш сувнинг таркибидаги муаллақ моддаларнинг физик – кимёвий хусусияти ва улушига, оқова сув сарфига, талаб этилган тозалаш даражасига боғлиқ [8,11].

Оқова сувларни механик, физика – кимёвий ва биологик усулларда тозаланилади.

Оқова сувлар таркибидаги бактерияли ифлосларни йўқотиши.

Механик тозалаш оқова сувлар таркибидаги эримаган ифлос моддаларни сузиш, тиндириш ва фильтрлаш йўли билан сувдан ажратиб олинади.

Механик тозалаш қуидаги иншоотларда амалга оширилади:

Панжаралар. Панжараларда оқова сувлар таркибидаги ифлос моддаларнинг катталиги 5 мм ва ундан юқори бўлган моддалар тутиб қолинади.

Панжаралар темир таёқчалардан иборат бўлиб, каналларда ўрнатилади ва улар орасидан тозаланадиган оқова сувлар оқиб ўтади.

Панжараларда оқова сувлар таркибидаги дағал ифлос моддалар тутиб қолинади. Темир таёқчалар бир - биридан маълум бир масофада жойлаштирилади, тутиб қолинадиган ифлос моддаларнинг катта - кичиклиги таёқчалар орасидаги масофага боғлиқ. Таёқчалар орасидаги бўшлиқ чиқиндилар билан тиқилиб қолмаслиги ва қўшимча босим ҳосил қилмаслиги учун панжаралар мунтазам равишда тозаланиб туриши керак

Таёқчалари орасидаги масофа кенглиги 20 дан 200 мм ва таёқчалари орасидаги масофа кенглиги 5 дан 25 мм бўлган панжаралар мавжуд,

Амалда панжара таёқчалари орасидаги масофанинг кенглиги 16 мм, кичик бўлганлари кам қўлланилади.

Панжаралар конструксия бўйича қимиirlайдиган ва қимиirlамайдиган турларга бўлинади. Қимиirlайдиган (ҳаракатланадиган) турдаги панжаралар вақти - вақти билан оқова сувлардан ташқарига чиқарилиб тозаланади.

Тутилган чиқиндилар қўлда ёки механизациялаштирилган усулда тозаланади.

Панжараларни чиқиндилардан тозалаш қулай бўлиши учун горизонтта нисбатан маълум бир бурчак остида, 45^0 дан 90^0 гача, кўпинча 60^0 бурчак остида ўрнатилади.

Панжара таёқчаларининг кўндаланг кесими юзаси тўғри бурчак шаклида $10x40$ ва $8x60$ мм, думалоқ шаклда $\mathcal{D}-10$ мм, таёқчаларнинг

пастки ва юқори қисмидан доира шаклида йўналтирилган бўлиши мумкин. Тозаловчи иншоотлар таркибидаги албатта таёқчалар орасидаги тирқишиларининг кенглиги 16 мм бўлган панжаралар (ёки панжара - майдалагичлар) лойиҳаланиши керак.

Қумтутгичлар. Қумтутгичлар оқова сув таркибидаги минерал ифлосларни, асосан қумларни тутиб қолиш мақсадида ишлатилади.

Қумтутгичлар оқова сув таркибидаги минерал ифлосликларни (қумларни) ажратиб олиш учун ишлатилади, тозалаш шаҳобчаларида тиндиргичлардан олдин, панжарадан кейин урнатилади. Қумтутгичларнинг ишлатилишидан асосий мақсад тиндиргичларда минерал ва органик ифлос моддалар оқова сувлардан биргаликда ажратиб олинганда, тутилган чукиндилар тиндиргичдан ва улар метантенкларда чиритилганда қийинчилик туғдиради.

Қумтутгичлар тозаланадиган оқова сувларнинг кеча кундуздаги миқдори 100 метр кубдан ошганда лойиҳаланади.

Қумтутгичларнинг оқова сувларни горизонтал айланма ва тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланадиган, аэроцияланадиган, тангенциал турлари мавжуд.

Қумтутгич тагига чуккан қумларни учида жойлаштирилган чуқурчага суради ва тупланган қумлар ундан ташқарига гидроэлеваторлар ёрдамида чиқарилади.

Горизонтал қумтутгичлар ишлатилганда иншоотдан оқова сув билан биргаликда қум зарралари ҳам оқиб ўтади ва шу билан бирга зарраларнинг катта – кичиклиги ва солиширига оғирлигига кўра, бу зарралар оғирлик кучи таъсирида пастки қисмига чука бошлайди. Оқова сувларнинг қумтутгичлардан оқиб ўтиш тезлиги маълум бир чегарада бўлиши керак. Хўжалик – майший оқова сувлари минимал оқими учун 0,15 м/с, максимал оқим учун 0,3 м/с.

Қумтутгичлар йифма темир – бетондан қурилади. Тангенциал қумтутгичлар доира шаклида бўлиб, оқова сувларга тангенциал ҳолатда юборилади. Бундай ҳолларда оқова сув таркибидаги, марказдан қочма куч таъсир қиласи. Тангенциал қумтутгичлар ёрдамида органик ифлос моддалардан ҳоли бўлган қумларни тўла миқдорда сувдан ажратиб олиш мумкин.

Аэрацияланадиган қумтутгичлар узайтирилган ҳавуз шаклида қурилиб, уларга сувларни аэрациялаш учун ҳаво юборилади, натижада қумтутгичларда оқова сувлар айланма ҳаракат қиласи, қумларнинг қумтутгичда тутилиш имконияти ошади.

Горизонтал қумтутгичларда кеча кундуз давомида тутилган қум миқдори 0,5 метр кубдан кўп бўлганда, қумни ташқарига чиқариш механизациялаштирилади.

Қумтутгичларнинг оқова сувларни тозаловчи шаҳобчаларининг кечаси кундуз давомидаги тозалаш қуввати 100 метр куб ва ундан юқори бўлганда, қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг 7,248 бандидаги кўрсатмаларга амал қиласи ҳолда лойихаланади. Қумтутгичлар сони ёки бўлимларнинг сони иккитадан кам бўлмаслиги, шу билан бирга қумтутгичларнинг ҳаммаси ёки бўлимларнинг барчаси ишлайдиган бўлиши шарт. Қумтутгичлардаги тутилган қумларни тудалаш механизациялаштирилган бўлса, у ҳолда ишлайдиган қумтутгичлардан ташқари яна захира қумтутгичлар урнатилиши мулжалланиши керак.

Қумтутгичлар туркуми тозалаш шаҳобчасининг кечаси кундуздаги тозалаш қувватига қараб танланади. Тозалаш шаҳобчанинг кечаси кундуздаги тозалаш қуввати 50000 метр кубгача бўлганда, тангенциал қумтутгичлар тозалаш қуввати 10000 метр кубдан юқори бўлганда, горизонтал тозалаш қуввати 20000 метр кубдан юқори бўлганда аэрацияланувчи қумтутгич танланади.

Тиндиргичлар. Оқова сув таркибидаги муаллақ ҳолатдаги ифлос моддаларнинг солиштирма оғирлиги сув солиштирма оғирлигидан катта ёки кичик бўлган заррачаларини ажратиб олиш мақсадида ишлатилади. Бунда сувнинг солиштирма оғирлигидан катта бўлган заррачалари, оғирлик кучи таъсирида тиндиргичларнинг тубига чўкади, енгиллари бўлса, сув юзасига сузиб чиқади.

Оқова сувлар таркибидаги эримаган моддаларни ажратиб олиш мақсадида тиндиргичлар ишлатилади.

Ишлатилиш шароити ва тозалаш шаҳобчасининг технологик чизмасига биноан тиндиргичлар бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи тиндиргичлар оқова сувларни механик тозалашда, иккиламчи тиндиргичлар оқова сувларни биологик тозалашда ишлатилади.

Тиндиргичларнинг ишлаш тартибига кўра, даврий ишлайдиган ва узлуксиз ишлайдиганларга бўлинади.

Тозаланадиган оқова сувларнинг оқим йўналишига кўра, тиндиргичлар қуидаги турларга бўлинади: горизонтал, вертикал, радиал (сув тақсимлаш – йиғиш қурилмаси айланма ҳаракат қиласидиган, сув оқими пастга тушиб, юқорига кўтариладиган), найчасимон. Горизонтал тиндиргичларда оқова сувлар асосан горизонтал ҳолатда оқади, вертикал тиндиргичларда тепадан пастга оқади, радиал тиндиргичларда оқова сувлар марказдан тиндиргичнинг чека томонларига горизонтал ҳолатда оқади. Найчасимон тиндиргичларда тиндириш қисми токчалар орасидан тозаланадиган оқова сувлар ламинар ҳаракатда оқиб ўтади. Горизонтал тиндиргичлар режада тўғри туртбурчак шаклида бўлиб, узунлигининг энига нисбати $1/4$ дан кам бўлмайди ва чуқурлиги 4 метргача бўлиши мумкин. Тиндиргичнинг бошланиш томонига оқова сувлар тарновлар орқали узатилади ва тиндиргичнинг эни бўйлаб, сув бир текисда тарқатилади, тиндиргичнинг пастки томонидан тарновлар ёрдамида оқова сувлар йиғишириб олинади ва бошқа иншоотларга юборилади.

Радиал тиндиргичлар режада кўпроқ доира шаклида бўлиб, уларнинг диаметри 18 метрдан 54 метргача, чуқурлиги 1/6 дан 1/10 диаметр қийматида бўлади.

Радиал тиндиргичларда тозаланадиган оқова сувларни марказий қувурга пастдан ёки юқоридан келтириш мумкин. Тиндиргичнинг конструкциясига кўра, тозаланадиган сув марказий қувурдан тиндиргичга чиқарилиб, унинг томонларига маълум бир тезликда оқади ва айланада курилган тарновларда тозаланган сувлар йиғишириб олинади.

Вертикал тиндиргичлар режада доира шаклида, диаметри 9 метргача бўлиши мумкин. Оқова сув марказий қувурга юборилади, ундан чиқсан сув пастдан юқорига кўтарилиди, тозаланган сув тарновлар чеккасида йиғилади.

Ёғтутгичлар, нефттутгичлар, мойтутгичлар. Бу иншоотлар оқова сув таркибида бўлган ёғ, нефт, мой яъни сувдан енгил бўлган моддаларни тутиб қолиш мақсадида кўланилади. Бундай иншоотлар асосан саноат оқова сувларини тозалашда ишлатилиди.

Фильтрлар. Оқова сувлар таркибидаги ифлосларнинг жуда майдада заррачаларини тутиб қолиш мақсадида ҳар хил турдаги фильтрлар ишлатилиди.

Механик тозалаш усулини мустақил тозалаш усули сифатида қабул қилиш мумкин, қачонки бундай усулда тозаланган оқова сувлар таркибидаги ифлос моддалар қолдиги талаб қилинган тозалаш даражаси микдорида бўлса, агарда тозаланган оқова сув талаб қилинган тозалаш даражасини қониқтирмаса, у холатда механик тозалаш усули оқова сувнинг биологик тозалаш усулига тайёрлаш боскичи сифатида кўланилади.

Биокимёвий тозалашнинг аэроб жараёнлари табиий шароитларда ва сунъий иншоотларда утиши мумкин. Табиий шароитларда тозалаш ободонлаштириш майдонларида, фильтрлаш майдонларида ва биологик

ховузларда боради. Сунъий иншоотлар сифатида аэротенк ва турли конструкцияли биофильтрлар хизмат қилади. Иншоот тури заводнинг жойлашув майдонини, климавертикал шароитларни, сув таъминоти манбаларини, саноат ва майший оқова сувлар ҳажмини, ифлосликларнинг улуши ва таркибини ҳисобга олган ҳолда танланади. Сунъий иншоотларда тозалаш жараёнлари жуда катта тезлик билан боради, табиий шароитларда эса ундан секинроқ боради.

Суғориш ва фильтраш майдонлари. Бу бир вақтда оқова сувларни тозалаш ва агросаноат мақсадлари учун фойдаланиладиган маҳсус тайёрланган ер участкалариидир. Бу шароитда оқова сувларни тозалаш қуёш, ҳаво ҳаракати остида, ўсимликларнинг ҳаёт фаолиятлари таъсири остида боради. Суғориш майдонларида бактерия, актиномисетлар, бижғитувчилар, сув ўтлари, оддий ва муртқасиз хайвонлар бўлади. Оқова сувлар таркибида асосан бактериялар бўлади. Тупроқнинг фаол қатламидаги аралашган биосенозларида симбиогик ва конкурент тартибдаги микроорганизмларнинг мураккаб ўзаро таъсирлари вужудга келади. Суғоришнинг ер майдонлари тупроғидаги микроорганизмларнинг микдори йил фасллариға боғлиқ. Қишида микроорганизмлар микдори ёздагига қараганда камроқ бўлади.

Агар майдонларда қишлоқ хўжалик экинлари экилмаса ва улар оқова сувларни тозалаш учун мулжалланган бўлса, улар фильтрация майдонлари дейилади. Суғориш майдонлари ерлари оқова сувларни биологик тозалангандан сўнг угитларни ўсимликлар, ўтлар, сабзавотлар ўстириш, шунингдек, дарахтларни утказиш учун ишлатилади. Суғориш майдонлари аэротенкларга нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

1. Капитал ва эксплуатацион сарфлар камаяди.
2. Оқоваларни суғориш майдонларидан ташқарига ташланиши бартараф қилинади.

3. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш таъминланади.
4. Қишлоқ хўжалиги учун кам ҳосил ерлар жалб қилинади.

Тозалашнинг биологик жараёнларида оқова сувларни тупроқнинг фильтровчи қатламидан ўтади ва у ерда муаллақ ва коллоид моддалар ушлаб қолинади, грунт ғовакларида микробли плёнкалар ҳосил қиласди. Сўнгра ҳосил бўлган плёнка коллоид моддалар ва оқова сувларда эриган моддаларни адсорбциялади. Ҳаводан ғовакларга кирган кислород органик моддаларни минерал бирикмаларга айлантириб оксидлайди. Тупроқнинг чуқур қатламларига кислороднинг ўтиши қийин, шунинг учун тупроқнинг юқори қатламида ($0,2 \div 0,4$ м) оксидланиш яхши боради. Кислород этишмаганда тупроқ қатламларида анаэроб жараён устун бўлади. Суғориш майдонларини қум, қора тупроқли ерларда барпо қилиш керак.

Оқова сувни бир вақтнинг ўзида суғориш ҳам уғитларга ишлатиб тозалаш 3 вариант асосида олиб борилиши мумкин.

1. Механик тозалашдан сўнг оқова сувлар – тупловчи ҳовузларга, сўнг канал бўйлаб – буғлатувчи – ҳовузларга ва суғориш майдонига тушади.
2. Физик – кимёвий тозалашдан сўнг оқова сувлар биологик ҳовузларга, сўнгра суғориш майдонларига ёки аввал фильтрлаш майдони, кейин эса суғориш майдонига.
3. Механик, физик – кимёвий, биокимёвий тозалашдан сўнг оқова сув суғориш майдонларига йўналтирилади, суғорилмайдиган даврда сув ҳавзаларига ташланади.

Биологик ҳовузларни таркибида органик моддалар бўлган шахар, саноат ва ер юзасида ҳосил бўлган оқова сувларни тозалаш мақсадида ишлатилиши мумкин. Биологик ҳовузларни табиий ёки суний усулда аэрациялаш (пневматик ёки механик) мумкин. Оқова сувларни биологик ҳовузларда тозалангандаги уларнинг таркибидаги КБЭ тўла кўрсаткичи,

ховузларни табиий аэрациялаганда $200\text{мг}/\text{л}$ дан, ховузларни суний аэрациялаганда $500\text{мг}/\text{л}$ дан ошмаслиги керак.

Биологик ховузларни лойиҳалаганда камида иккита параллель бўлимлардан иборат бўлиб, ҳар бир бўлимида кетма – кет жойлашган 3–5 босқичлардан иборат бўлиши керак.

Физика – кимёвий тозалаш усули. Кимёвий тозалаш усули оқова сувга кимёвий реагентларни қўшишдан иборатdir, бу реагентлар оқова сув таркибидаги ифлос моддалар билан реакцияга киришиб, сув таркибидаги эримаган, коллоидли ва эриган модда заррачаларни чўкишга имкон яратади, баъзи бир эримаган моддалар заарсиз эриган моддаларга ўтқазилади.

Кимёвий тозалаш учун қуйидаги иншоотлар ва қурилмалар қўлланилади:

реагентлар ва реагент хўжаликлари – реагентларни сақлаш, тайёрлаш ва уларни аралаштиргичларга узатиш қурилмалари;

аралаштиргичлар – реагентларни тозаланадиган оқова сув билан аралаштириш учун;

реакция камераси, бу қурилмаларда реагентлар оқова сув билан реакция кетади.

Кимёвий тозалаш усули асосан саноат оқова сувларини тозалашда қўлланилади. Кимёвий тозалаш усулига электролит тозалаш усулини қўшиш мумкин. Бу усулда оқова сув орқали электр токи ўтқазилади. Бунда хосил булган электролитларнинг ионлари анот ва катод томон интилади. Бу ерда улар ўзаро бир бирлари билан ва ва электрод материаллари билан бирлашиб янги бирикмалар хосил қиласилади.

Оқова сувлар таркибидаги ифлос моддаларни ажратиб олиш учун флотациялаш усули қўлланилади.

Биологик тозалаш усули оқова сув таркибидаги микрожонзодларнинг яшаш шароитига асосланган, бу жонзодлар оқова сув

таркибидаги органик моддаларни оксидлаш ва қайта вертикаллаш учун хизмат қиласы.

Оқова сувларни биологик тозалаш иншоотлари асосан иккى турға бүлинади: оқова сувларни табиий шароитга якын бўлган иншоотларда тозалаш; оқова сувларни сунъий яратилган иншоотларда тозалаш.

Биринчи турдаги иншоотларга: суғориш майдонлари, фильтрация майдонлари, биологик ҳовузлар киради.

Иккинчи турдаги иншоотларга: биологик фильтрлар, аэротенклар, циркуляция каналлари, окситенклар киради.

Биологик фильтрлар (сузғичлар) бу ичига маҳсус моддалар билан тўлдирилган тозалаш иншооти бўлиб, шу материаллар орасидан тозаланадиган оқова сувларнинг сизиб ўтиши натижасида унинг юзасида биологик парда хосил бўлади, бу парда асосан шу жонзодларнинг яшаш шароитига асослангандир.

Биофильтрлар ичига тўлдирилган материалларнинг табиатига кўра икки турга бўлиш мумкин:

- ҳажмли, донодор материаллар билан тўлдирилган;
- шаклдаги (текисликдаги) материаллар билан тўлдирилган (яси тўлдирувчи).

Биологик сузғичлар асосан қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- асосий қисмлари планда доира ёки тўғри туртбурчак шаклидаги, деворлари сув ўтказмайдиган иншоот ичига, оқова сувлар сизиб ўтадиган тўлдирилган материаллар;
- биофильтрга тўлдирилган материаллар юзасига бир текисда маълум бир вақт оралигига оқова сувларни тарқатувчи қувурлар;
- сизиб ўтган сувларни йигиб биофильтрдан ташқарига чиқазиш учун қурилган қурулмалар;
- оксидлаш жараёнини таъминлаш учун биосузгич материаллари орасига ҳаво етказиб берувчи, ҳаво тақсимловчи қурилмалар.

Оқова сувлар фильтр материаллари орасидан сузиб ўтиш даврида ишлаб бўлган ва ўлган биопардалар сув ёрдамида ювилиб биосузғичдан ташқарига чиқариб юборилади.

Биофильтрларда оқова сувларни тозалаш жараёни бошқа биокимёвий тозалаш иншоотлари сингари боради. Табиий шароитда тозаланадиган иншоотларда тозаланишга нисбатан бу иншоотларда тозалаш жараёни жадалроқ боради.

Биологик фильтрларни хўжалик – майший ва саноат оқова сувларини тўла ёки тўла бўлмаган биологик тозалаш жараёни учун ишлатилади. Биологик фильтрлар саноат оқова сувларини тозалашда тозалаш схемаси бир босқичли бўлса, асосий иншоот сифатида, агарда тозалаш схемаси икки босқичли бўлса, у ҳолда биосузғичлар бирламчи ёки иккиласми иншоот сифатида қабул қилиш мумкин.

Биофильтрлар ҳар хил аломатларига қараб бир неча турга бўлинади булардан асосийси уларни тўлдириладиган материалларнинг хоссаларига боғлиқ холатдагисидир;

- ҳажмли тўлдирувчилар (чиғаноқ, тош, майдо тош, қум, тоғ жинслари ва хакозолар);
- ясси тулдирувчилар (пластмасса, сопол, газмол, темир ва хакозолар).

Ҳажмли тўлдирувчи материаллардан иборат бўлган биофильтрлар куйидаги турларга бўлинадилар:

- томчили биофильтрлар, тўлдирувчи материаллар заррачаларининг катталиги 20–30 мм бўлиб, уларнинг умумий қалинлиги (тўлдириш баландлиги) 1–2 м бўлади;
- баланд (юқори) юкланадиган биофильтрлар, тўлдириладиган материаллар заррачаларининг катталиги 40–60 мм, тўлдириш баландиги 2–4 м бўлади;

– минорали биофильтрлар, түлдирувчи материаллар заррачаларининг катталиги 60–80 мм ва түлдириш баландлиги 8–12 м ташкил этади.

Хажмли түлдирувчи материалар зичлиги $500–1500 \text{ кг}/\text{м}^3$, ғоваклиги 40–50% ни ташкил қиласи.

Биофильтрлар түлдирилганда бутун баландлиги бўйича бир хил катталикдаги материаллар билан түлдирилади ва остиқ қисмида заррачаларнинг катталиги 70–100 мм бўлган материаллардан, баландлиги 0,2 м бўлган, материалларни ушлаб турувчи мослама қурилиши лозим.

Аэротенкларнинг ишлиши оқова сув таркибидаги органик моддаларни аэробли микрожонзодлар ёрдамида биокимёвий оксидлашга асослангандир. Аробли микрожонзодлар тўдасини фаол гил деб аталади. Аэротенк бир маълум бир ҳажмга эга бўлган қурулма (резервуар) бўлиб, бунда фаол гил ва тозаланадиган оқова сув аралашмаси аста – секин оқиб ўтади. Шундай қилиб «аэротенк» дегани фаол гилнинг минерализацияланиш хусусиятидан фойдаланиб биологик оксидлайдиган иншоотлар гурухининг тўпламидир. Бундан келиб чиқадики оксидлаш ҳовузлари, айланма оксидлаш каналлари ҳам аэротенкнинг такомиллаштирилган турларига киритилиши мумкин.

Фаол гил билан тозаланадиган оқова сувлар бир – бирлари билан яхши мулокатда бўлишлари учун уларни тинимсиз сиқилган ҳаво ёки маҳсус қурулмалар ёрдамида аралаштириб турилади.

Биокимёвий жараёнда ишлатиладиган микрожонзодларнинг яшаш шароитини таъминлаб бериш учун аэротенкка тўхтовсиз кислород юборилиши керак. Бундай мақсадга эришиш учун аэротенкдаги аралашмага сиқилган ҳаво юбориш орқали ва тўхтовсиз аэрация қилиш ёки сиртқи аэрацияни кучайтириш йўли билан эришилади.

Оқова сувларни тозалаш даражасига қараб аэротенклар қуйидаги холатлар учун қабул қилинади:

- тўла тозалаш учун;
- тўла бўлмаган ёки маълум миқдорда тозалаш учун.

Биринчи холатда сасимайдиган, тозаланган сув олинади. Иккинчи холатда тозалаш жараёни биргина босқич билан тугалланади, бунда тозаланган оқова сув таркибидаги КБЭ кўрсаткичи 40–80% камайтирилиши мумкин. 19. Расмда тўла ва тўла бўлмаган тозалаш чизмаси келтирилган.

Тўла биологик тозалашда гил аралашмаси аэротенқдан кейин иккинчи тиндиргичга юборилади, гил иккинчи тиндиргичда чўкканидан кейин, актив гил нинг кўпчилик қисмииккинчи тиндиргичдан тўхтовсиз аэротенкка қайтарилади ва ортиб қолган қисми кейинги ишлов берувчи иншоотларга юборилади.

Аэротенклар асосий кўрсаткичларга кўра қуийдаги гурухларга бўлиш мумкин:

- гидродинамик холатига кўра – аэротенк – сиқиб чиқарувчи; аэротенк – аралаштиргич;
- фаол гил қайта вертикаллаш (регенерация) усулига кўра – фаол гилни алоҳида қайта тирилтириш қурулмаси бор аэротенклар ва алоҳида қайта тирилтирилиши бўлмаган аэротенклар;
- фаол гилни юкланишига кўра – юқори юкландиган (аэротенклар тўла бўлмаган тозалаш учун ишлатилганда) одатдаги, (оддий) ва паст юкландиган (аэротенклардаги аралашмалар бўйлама аэрацияланадиганларда), бўйлама аэрацияланадиган аэротенкларга асосан оксидлаш ҳовузлари ва айланма оксидлаш каналлари киради; оддий ва хаттоки паст юкландиган аэротенкларда гил меъёри катта миқдорда (5 г/л ва ундан катта) ушланса, уларни юқори юкландиган дейилади;
- тозалаш босқичларига кўра – бир, икки ва кўп босқичли аэротенклар, бунда тозалаш босқичларини биокимёвий тизимининг умумий бўлаги деб қабул қилиниши керак;

- оқова сувларни аэротекка юборилиши бўйича – оқадиган (оқар), ярим оқадиган, ишчи соати узгарувчан ва контактли бўлиши мумкин;
- аэротенклар тузилиши бўйича – аэрациялаш тизимиға қараб;
- аэротенк ва тиндиргич билан жойлашишига қараб;
- оқова сувнинг йўналишига қараб;
- тозаланган оқова сувнинг улушкига қараб;
- тиндиргич қисмининг ишлаш шароитига қараб;
- оқова сувларни аэротенкда тақсимланишига қараб;
- пландаги шаклига қараб.

Аэротенкларни аэроциялаш пневматик, пневмамеханик ва механик аэроциялаш тизимлари бўлиши мумкин.

Оқова сувлардан тутилган чиқиндиларга ишлов бериш, зарарсизлантириш, сувсизлантириш ва улардан фойдаланишучун уларни тегишли иншоотларга юборилади.

Септиклар, горизонтал тиндиргич бўлиб, тиндиргич остига чўккан чўкиндилар, оқиб ўтадиган оқовасув билан биргаликда чирий бошлайди.

Икки қаватли тиндиргичлар, икки қаватдан иборат бўлган иншоот бўлиб юқори қисмида горизонтал тиндиргич жойлаштирилган, пастки қисмида – чўккан чўқмаларни чиритиш ва ачитиш қурилмаси жойлаштирилган.

Метантенк. Тиндиргичларда чўқтирилган чўқмалар оқова сувларга қайта таъсир қилмаслиги ва сасимаслиги учун уларни чиритиш мақсадида алоҳида жойлаштирилган иншоатга яъни метантенкка юборилади. Метантенкда ачитиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида уларга сунний равишда иссиқлик берилиб ва чиқиндилар аралаштирилиб турилади.

Гил майдонлари. Икки қаватли тиндиргичларда ва метантенкларда, аэробли ишлов берилган чиқиндиларни сувсизлантириш учун гил


майдонларга юборилади. Бу майдонларда чиқиндилар табий шароитда куритилади ва чиқиндилар ўғит сифатида ишлатилиши мумкин.

Ишлов берилган чўқмаларни сувсизлантириш суний яратилган иншоатларда амалга ошириш мумкин (вакуум-фильтрлар, вакуум-пресслар, цетрафуга, термик қуритиш).

Тозалаш иншоотларининг шакллари. Оқова сувларни тозалаш иншоотлари шундай жойлаштирилиши керакки, тозаланадиган сувлар биридан иккинчисига кетма – кет оқиб ўтсин. Механик тозалаш иншоотларида аввалам бор оқова сув таркибидаги анча оғир катта бўлган ифлослар тутилиб, ундан сўнг асосий эrimagan ифлос моддалар ажратиб олинади. Биологик тозалаш иншоотларида оқова сув таркибидаги суспензия, коллоидли ва эриган холатдаги ифлос моддалар ажратиб олинади ва шундан сўнг оқова сувлар заарсизлантирилади.


Чўқмаларга ишлов берувчи иншоотлар ҳам маълум бир тартибда жойлаштирилади. Агарда чўқмаларга ишлов берувчи иншоотлар ичida метантенк жойлаштирилса, биринчи тиндиригичда тутилган ишлов берилмаган чўқмалар метантенкка юборилади ва бу иншоотда ишлов берилиб, ундан сувсизлантириш учун гил майдонларига ёки механик сувсизлантирувчи иншоотларга юборилади. Сувсизлантирилган чўқмалар ўғит сифатида ишлатилади. 1 – 4. расмларда оқова сувларни тозалаш схемалари кўрсатилган.

Биокимёвий тозалаш учун ишлатиладиган иншоотларининг турини танлашда кўпгина омилларни эътиборга олиш керак, жумладан, оқова сувларни тозалаш даража кўрсаткичи, тозалаш иншоотларини қуриш учун ажратилган ер майдонининг юзаси, тупроқ тузилиши, оқова сув миқдори.




1. Расм. Оқова сувларни механик тозалаш чизмаси


1 – оқова сувлар, $1'$ – тозаланган оқова сув, 2 – майдалагич, 3 – панжара, 3- чўқмалар, 4 - элак, 5- чукмаларга ишлов бериш иншооти, 6 - гил майдони, 6- чукмалардан фойдаланиш иншооти, 7 - қумтутқич, 7 - кум майдони, 8 - икки қаватли тиндиргич, 9 - хлоратор, 10 – контакт ҳавуз иншооти, 11-биринчи тиндиргич, 12 - метантенк, 13 - қозонхона, 14 - газгольдер.




2. Расм. Оқова сувларни кимёвий тозалаш.

1-оқова сувлар, 1-тозаланган оқова сув 2-панжара 3-майдалагич 6-гил майдони 7-күмтүткіч 7-күм майдони 11-биринчи тиндиригич 15-реагент хўжалиги 16-аралаштиргич 17- реакция камераси





3. Расм. Оқова сувларни сұйний яратылған шароитларда биологик тозалаш.
1-оқова сув, 1-тозаланған сув, 2-панжара, 3-майдалагич, 6-гил майдони, 6-
чүқиндига ишлов беріш, 7-қумтутқич, 7-қум майдони, 9-хлоратор, 10-
бираңлаштириш резурвари, 10-газгольдер, 19-юқори юкландырылған
биофильтир, 20-аэратор, 21-аэротенк, 21-регенератор, 22-хаво бекати, 23-
зичлагич.



4. Расм. Оқова сувларни табий шароитда биологик тозалаш схемаси.
1- оқовасув, 1 - тозаланған сув, 2 - панжара, 7 - қумтутқич, 8 -
қум майдони, 11 - биринчи тиндиригич, 12 - чиқиндига ишлов беріш ва
сувсизлантириш иншоотлари, 12' - чиқинди, 18 - фильтрилаш ёки суфориш
майдони.

Оқова сувларни замонавий иншоотларда тозалаш қурилмалари ишлатилади [10,11,12].

Замонавий қурилмаларнинг конструкциясини ишлаб чиқиша иншоотнинг қувватини ошириш унинг чўкмани йиғиши кисмининг кенгайиши билан, сувнинг тозаланиш эфектининг ошиши эса механик ва биологик тозалаш назарда тутиш лозим.

Хозирги кунда кўпчилик хориж давлатларда ихчам ва умумлашган қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда ва амалиётга қўлланилмоқда. Бу замонавий иншоотларда тозалаш қурилмасини қайта жиҳозлаш кенг йўлга қўйилган ва натижада иншоотнинг иш самарадорлиги бир неча маротаба оширилади.

Ихчам қурилмаларда сувнинг тозаланиш эфекти 98% гача етиши мумкин. Ундан ташқари бу иншоотларнинг иш унумдорлиги жуда юқори.

Шундай қилиб замонавий ихчам қурилмалар қўлланилиши натижасида сувнинг тозаланиш даражаси ошади, дастлабки ишлатилиб келинаётган иншоотларга нисбатан бу иншоот эгаллаган майдон ва уни қуришга кетадиган капитал маблағлар бир қанчага камаяди.

1.3. Таркибида муаллақ моддалари мавжуд бўлган оқова сувларга ишлов бериш назарияси.

Оқова сувлар таркибидаги ҳар хил аралашмаларни ажратиб олишда замонавий қурилма қўлланилади. Бунда чўкиш оғирлик кучининг таъсири (гравитацион кучлар) ҳисобига амалга оширилади. Бу жараённи амалга оширишда қумтутгичлар, тинитгичлар, тиндиргичлар ишлатилади. Тиндиргичларда муаллақ моддаларни чўкиши:

1. Оқова сувларнинг тиниган қисми
2. Эркин чўкиш қисми
3. Сиқилган чўкиш қисми
4. Чўкма

Чўқтиришнинг даврий жараёнини қўллаганда, муаллақ моддалар тиндиргичда оқова сувларнинг тик бўйлаб нотекис тақсимланади ва тиндириш бошланишидан аввал бир оз муддат ўтгандан сўнг тиндиргичда оқова сувнинг тепа қисмида тиниган қисми пайдо бўлади. Тиндиргич тубига қанча яқинлашса, оқова сувлар таркибидаги муаллақ моддаларнинг улуши шунча ортиб боради ва тиндиргичнинг энг тубида чўкинди қатлами ҳосил бўлади. Вақт ўтиши билан эса оралиқ қават хисобига оқова сувнинг тиниган қисми ва чўкма қисмининг баландлиги ортиб боради. Муайян вақт ўтиши билан тиндиргичда фақат оқова сувнинг тиниган қисми ва чўкма қисми ҳосил бўлади. Агар чўкмаси ажратиб олинмаса, у ўз баландлигини камайтириб зичланади. Узлуксиз тиндириш ҳам, тиниш жараёни ўша зонада бориши кўзатилади, лекин тиндириш жараёнида тиниган қисмининг баландлиги ўзгармайди.

Чўқтириш жараёни асосан тиндиргичларда олиб борилади.

Тиндиргичлардан ташқари қумтутгич ва тинитларда ҳам олиб борилади. Тинитларда оқова сувларнинг тиниши билан бир қаторда муаллақ модда қатлами орқали оқова сувларнинг фильтрланиши ҳам содир бўлади. Одатда, оқова сувлар таркибида турли шакл ва ўлчамга эга бўлган муаллақ моддалар мавжуд. Бундай оқова сувлар агрегатив барқарор бўлмаган гетероген полидисперс тизимлардир. Чўқтириш жараёнида заррача ўлчами, зичлиги ва шакли ҳамда физик хоссалари ўзгаради. Бундан ташқари турли кимёвий таркибли оқова сувларнинг қўшилишидан қаттиқ модда ҳосил бўлиши мумкин. Бу ҳодиса заррачанинг шакли ва ўлчамига таъсир қиласи ва чўқтириш жараёнининг қонуниятларини ўрганишга ҳалақит қиласи. Оқова сувларнинг хоссаси, албатта, тоза сув хоссасидан фарқланади. Оқова сув юқори зичлик ва қовушқоқликка эга бўлади. Фақатгина қаттиқ заррачали ифлосликлардан иборат бўлган оқова сувларнинг қовушқоқлиги ва зичлиги қуйидагича топилади:

$$\mu_{o.c} = \mu_o (1 + 2,5 \times S_o) \quad \rho_{o.c} = \rho + \rho_{kam} (1 - \varepsilon)$$

Оқова сув заррачанинг ҳажмий қисми қуидаги аниқланади:

$$\varepsilon = \frac{V_c}{(V_c + V_{kam})}$$

бу ерда: $\mu_{o,c}$ ва μ_o – оқова ва тоза сувларнинг динамик қовушқоқлиги,

Па•с;

S_o – муаллақ моддаларанинг ҳажмий улуши, кг/см³;

ε – суюқ фазанинг ҳажмий қисми;

V_c ва V_{kam} – оқова сувлардаги суюқ ва қаттиқ фаза ҳажми, м³.

Тиндиригич ҳисобида асосий параметр бўлиб заррачаларнинг чўкиш тезлиги (гидравлик йириклик) – ω_{yuk} хизмат қилади.

Ламинар, турбулент ва ўтиш тартиби учун шар ҳолатдаги заррачаларнинг эркин чўкиш тезлиги қуидаги формула орқали аниқланади.

$$Re_o = \frac{A}{(18 + 0,6\sqrt{A})};$$

бу ерда; $Re_o = \frac{\omega_{yuk} \times d \times \rho}{\mu_o}$ - Рейнолдс сони;

A - Архимед сони; $A = \frac{d^2 \times \rho^2 \times q(\rho_{kam} - \rho)}{\mu_o^2 \times \rho}$

d – заррача диаметри.

Шар ҳолатдаги заррчалар учун формулага заррачанинг эквивалент диаметри $d_s = \sqrt[3]{\frac{V_3}{\pi}}$ (V_3 – заррача ҳажми) қўйилади. Оқова сувларни

тиндириш жараёнида зичлашган чўкма ҳосил бўлади ва бир хил ўлчамли шар ҳолатдаги заррача учун зичлашиб чўкиш тезлиги Стокс тенгламаси бўйича ламинар тартибда муаллақ модда улушларини ва реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда:

$$V_{yuk} = \frac{d^2 \times q(\rho_{kam} - \rho)R}{18 \times \mu_o}$$

$$R = \frac{\varepsilon \times \mu_o}{\mu} \quad \text{қўринишида аниқланади.}$$


1.4. Котеджларнинг майиши оқова сувларини ихчам қурилмалар ёрдамида тозалаш

Алоҳида уйлар, ўртача аҳоли пункти ва шаҳарларнинг оқова сувларини тозалаш учун қурилма ва иншоотнинг ишлатилиш тавсифи, ихчам қурилманинг конструктив асоси ҳамда тозалашнинг технологик тасвири аниқланди. Бу билан ихчам қурилманинг унумдорлиги ҳар хил бўлган $5 - 20, 25 - 100, 200 - 1000, 1200 - 100000 \text{ м}^3/\text{к-к}$ бўлган ихчам қурилманинг конструктив тузилиши ишлаб чиқилган. Бу бўлимни тайёрлашда унумдорлиги $20, 200, 400, 800 \text{ м}^3/\text{к-к}$ бўлган оқова сувларни биологик тозалаш станциясини қайта қўллаш лойиҳаларининг материаллари ишлатилган ва $50 \text{ м}^3/\text{к-к}$ кичик гушт комбинати ва ёғ пишлок заводларининг оқова сувларини учун $200, 400, 800 \text{ м}^3/\text{к-к}$ бўлган биологик тозалаш станцияларининг лойиҳалари учун қурилма ишлаб чиқарилган.

Ихчам қурилмаларнинг ишлаш жараёни кичик ҳажмдаги $5 \text{ м}^3/\text{к-к}$ кам бўлган оқова сувларни тозалаш учун ҳам қурилма ишлатиш мумкин. Бироқ, ишлатилиш сарфи мавжуд аэрацияланувчи қурилмалар каби, ихчам қурилмада ҳам аҳолининг асосий қисми учун анча оғир кечади. Электр энергия учун харажат минимум 10 кВт/к-к бу қиймат катта бўлмаган пневмамеханик қурилма ёки насос учун сарфланади ва малакали хизмат қилувчи ҳодимлар хизмати учун. Демак, очик ва ёпик сув манбаларининг ифлосланишининг олдини олиш муаммосинин ҳал қилиш барча турдаги оқова сувларни тозалаш билан тутатилади, шунинг учун биз янги жараён биологик тозалашни ишлаб чиқдик ва унумдорлиги $0,5 - 4,0 \text{ м}^3/\text{к-к}$ қурилманинг конструктив тузилиши аниқланди.

Муаллақ моддалар миқдори 100 дан 400 мг/л гача ва БПК5 100 дан 1000 мг /л гача бўлган ифлосликлардан иборат оқова сувларни тозалаш


учун унумдорлиги $5 - 7 \text{ м}^3/\text{к-к}$ бўлган ихчам қурилмани ҳам ишлаб чиқдик.




Бундан ташқари катта миқдордаги оқова сувларни тозалаш учун ҳам ихчам қурилма ишлаб чиқилган. Ихчам қурилма ёрдамида оқова сувлар ҳар хил турдаги ифлосликлардан тозаланганда қўйидагиларни БПҚт $3 - 5 \text{ мг/л}$, муаллақ моддалар улуши $3 - 7 \text{ мг/л}$, фосфор, ортафосфор улуши $0,7 - 1,5 \text{ мг/л}$ ва аммоний азот улуши $1,0 - 1,5 \text{ мг/л}$ ни ташкил қиласди.


Унумдорлиги $800 - 1000 \text{ м}^3/\text{к-к}$ бўлган ихчам қурилманинг биофильтр қисмини баландлиги $1,15 - 2,0$ метрнм ташкил қиласди. Биофильтр юкламаси сифатида 1750×1150 ўлчамдаги шифер материалидан фойдаланиш мумкин. Оқова сув ҳаракатининг гидродинамик тартибини барқарорлаштириш учун шиферларни вертикал жойлаштириш керак. Юклама сифатида ишлатиладиган шиферларнинг орасидани масофа камидан 20 мм бўлиши лозим. Кейинчалик юклама материали сифатида силлик сунъий материаллардан фойдаланиш мумкин. Биофильтрлар тагидаги колонналарнинг пастки қисми аэротенк – тиндиргич зонасининг таг қисмидан $0,2 - 0,3$ метр баландликда бўлиши керак.

Разрез




План





Биокурилма 25,0 – 100,0 $m^3 / к - к$



Биокурилма 0,5 – 4,0 $m^3 / к - к$

I боб бўйича хулоса

Диссертация ишининг мазкур бобида шаҳар ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш оқова сувларининг таркиби ва уларни тозалаш усусларининг таҳлили бўйича мазкур соҳага тегишли шаҳарлардан ҳосил бўладиган оқова сувларнинг турлари ва таркиби ўрганилиб чиқилди, ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш усуслари таҳлил қилинди ва таркибида муаллоқ моддалар бўлган оқова сувларни замонавий иншоотларни тозалаш назарияси қараб чиқилди.

Аҳоли кунлик эҳтиёжларидан ва корхоналарда маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш жараёнида замонавий ихчам қурилмалари ишлатилади.

Шаҳар аҳолисидан майший ва ишлаб чиқариш корхоналаридан майший ва ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш оқова сувлари асосан таркибида турли ифлосликлардан иборат бўлган оқова сувлардан иборат. Ишлаб чиқариш оқова сувлари таркибидаги муаллақ моддалар миқдори 500,0 мг/л гача етиши мумкин. Шунинг учун бундай оқова сувларни замонавий иншоотларда тозалаб ҳавзаларга қайтариш мақсадга мувофиқдир.

Шун кунга қадар ишлатилиб келинаётган тозалаш иншоотларининг асосий камчилиги габарит ўлчамларининг катталиги, иншоотнинг маълум ҳажмидан тозаланиш жараёнида фойдалана олмаслик ва сувнинг тозаланиш эфектининг пастлигидир. Замонавий иншоотларда ихчам қурилмалар қўлланилганда шаҳар оқова сувларини тозалаш самарадорлиги анча ўсганлиги, яъни 98 % гача эришилганлиги яққол тажрибалардан маълум бўлди ва уларни қўллаш мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз. Ундан ташқари бу иншоотларнинг иш унумдорлиги жуда юкори.


Айниқса кичик габаритли замонавий ихчам тозалаш иншоотларида бу усул жуда қўл келади. Шундай қилиб замонавий ихчам қурилмалар қўлланилиши натижасида оқова сувларнинг тозаланиш даражаси ошади,

дастлабки тозалаш иншоотларига нисбатан биз таклиф қилаётган иншоотнинг эгаллайдиган майдони ва уни қуришга кетадиган капитал маблағлар бир қанчага камаяди.

Биз таклиф қилаётган умумлашган қурилма, шу кунда ишлатилиб келинаётган оқова сувларни тозалаш иншоотларига нисбатан, ихчамлиги ва тозалаш эфекти юқорилиги ҳамда кам жойни эгаллаши билан ажралиб туради. Бу умумлашган қурилма ёрдамида ҳар хил турдаги юқори улушли шаҳар оқова сувларининг тозалашда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қурилма билан ҳар хил қувватли $5 \text{ м}^3/\text{сутка}$ дан $100 \text{ минг м}^3/\text{сутка}$ гача бўлган оралиқдаги шаҳар оқова сувларини ҳам тозалаш мумкин.

Шаҳар оқова сувларини тозалашда, биз таклиф қилаётган умумлашган қурилма, нафақат шаҳар оқова сувларини биологик тозалашда, бундан ташқари $50 \text{ м}^3/\text{сутка}$ гача бўлган гўшт комбинати, мой ва пишлоқ заводларининг $800 \text{ м}^3/\text{сутка}$ гача бўлган оқова сувларининг биологик тозалашда ҳам қўлланилганда самарали натижалар беради.


1-1



Оқова сувлар сарфи $5 \text{ м}^3/\text{сутка}$ гача бўлган бу қурилманинг эксплуатацион сарфи мавжуд аэрацион қурилмаларники билан бир хилдир.

Хизмат қилувчи малакали ҳодимлар ва механизмлар (ишчи, захира механизми, ортиқча гилни чиқариш, заарасизлантириш ва бошқалар) нинг сони унчалик катта эмас. КБЭ₅ 100 мг/л дан 1000 мг/л гача, муаллақ моддалар микдори эса 40,0 мг/л дан 400 мг/л гача бўлганда, бу қурилмалардан фойдаланиш мумкин.

Аралаштириш камерасида фаол гиллар оқова сувлар билан аралаштирилиб сўнгра биофильтрга кейин эса аэрацион колоннаси орқали ҳаракатланиши натижасида газли оқова сув эфектли аралашишга эришилади ва аэротенк – тиндиргичга юборилади, гилли аралашма аэрация зонасидан тиндириш зонасига келади. Тиндириш зонасидан гиллар яна аэрация зонасига регенерация учун юборилади. Бу жараёнда КБЭ бўйича органик ифлосликлар 3 – 5 мг/л гача пасаяди, яъни биореактордан чиқишида муаллақ моддалар улуши 3 – 7 мг/л ни, азот аммоний улуши 1 – 1,5 мг/л ни ташкил қиласи, фосфор, ортафосфатлар улуши эса 0,7 – 1,5 мг/л дан ошмайди.



Оқова сувлардан ҳосил бўладиган чўкмаларни қуюқлаштиришда ишлатиладиган ихчам қурилманинг тасвири, 1 – корпус, 2 – вал, 3 – фильтрлаш элементи, 4 – пластик, 5 – паррак.

II боб. ШАҲАР ОҚОВА СУВЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, ХОССАЛАРИ, ИФЛОСЛИКЛАРИ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ ВА ИХЧАМ ҚУРИЛМАЛАРДА ТОЗАЛАШ.

2.1. Шаҳар оқова сувларининг таркиби ва хоссалари

Оқовалар таркибидаги ифлосликлар тузилиши бўйича минерал, органик ва биологик моддалардан иборат бўлиши мумкин.

Минерал моддалар кум, шиша, тупроқ, шлак, металл заррачалари, кукунлар, тузлар, кислоталар, ишқорлар ва бошқа моддалардан ташкил топган.

Органик моддалар нихоятда хилма хил бўлиб, хом ашё, қоғоз, мато, реагентлар, ишлаб чикориш маҳсулотлари, органик кислоталардан инсон ва хайвонот физиологик ахлатларидан ва ўсимлик қолдиқларидан иборат. Органик моддалар таркибидаги углерод, азот, водород, кислород, фосфор, олтингугурт элементлари борлиги билан ажралиб туради. Органик моддаларни ўз навбатида биологик ва бактериологик синфларга ажратиш мумкин.

Биологик синфга микроорганизмлар, замбуруғлар, бактериялар, майин сув ўтлари, вируслар киради. *Бактериологик* синфга эса юқумли касалликлар қўзгатувчи, ташувчи микроорганизмлар киради. Оқова сувларда тиф, паратиф, дизентрия, сибир язва, гельминтлар каби патоген бактерияларнинг бўлиши мумкин.

Ифлослантирувчи моддалар сувда йирик дисперсланган ҳолда (заррачалар ўлчами 0,1 мкм дан йирик), суспензия, купик ва эмульсия ҳолида (0,1 мкм ...0,1 мм гача), коллоид ҳолда (0,1..0,001 мкм) ва эриган ҳолда бўлиши мумкин.

2.2. Оқова сувларда эримаган ифлосликлар

Заррачаларнинг ўлчамига, зичлигига боғлиқ ҳолда хар хил тезлик билан чўкмага тушиши, қалқиб сув бетига чиқиши ёки муаллақ ҳолда сувда қолиши мумкин. Лаборатория шароитида 2 соат мобайнида чукмага тушадиган заррачалар чўкадиган моддалар дейилади ва мл/л ёки мг/л ўлчанади. Чўкмага тушадиган чўкма хажми Лисенко идиши ёки оддий цилиндрлар ёрдамида ўлчанади.

Чўкманинг бошланғич намлиги 97,5% ни ташкил қиласи ва турган сари зичланади

Дисперс тизимлар. Дисперс муҳит ва дисперс фазадан иборат аралашмага дисперс тизим деб аталади. Бизнинг мисолимизда сув дисперс муҳит қаттиқ жинслар дисперс фаза.

Заррачаларни вақт давомида чўкмага тушиши динамикаси чўкиш кинетикаси билан ифодалади. Оқова сувларнинг ифлосланиш даражаси ифлосликларнинг улуши орқали баҳолананиб бу кўрсатгич бир хажм (литр ёки m^3) сувда у ёки бу ифлосликтиннинг массасига айтилади ва мг/л, g/m^3 ўлчов бирлигига эга. Аммо айрим холларда моддалар улуши эквивалент (мг экв/л) шаклда белгиланиши мумкин.

Оқова сувлар таркибидағи ифлосликларнинг мъёрлари мавжуд, яъни бир кишидан ўртача ҳисобда бир кеча кундуз(к-к) давомида 65 г муаллақ модда, 8 г азот тузлари, 3,3 г фосфатлар, 9 г хлоридлар ва 2,5 г сирт фаол моддалар ҳосил бўлади.

Оқова сувларни санитар кимёвий тахлили қуйидаги қўрсатгичларни анишлашдан иборат:

1. Оқова сувларнинг ҳарорати, ранги, хиди;
2. pH муҳит кўрсугичи;
3. тиниклиги;
4. чўкмага тушадиган моддаларнинг хажми ва массаси;
5. муаллақ моддалар улуши;

6. ифлосликларнинг умумий ва кул қисмининг миқдорлари;
7. умумий ва аммонийли азот, нитрит ва нитратлар миқдори;
8. оксидланиш кўрсатгичлари ККЭ ва КБЭ;
9. нисбий барқарорлиги;
- 10.эриган кислород улуши;
- 11.хлорид ва эркин хлор улуши;
- 12.фосфатлар улуши;
13. хос инградиентлар улуши (оғир металлар, сирт фаол моддалар, нефт маҳсулотлари, эфирда эрувчи моддалар);
- 14.бактериологик кўрсатгичлар;
- 15.радиологик кўрсатгичлар;
- 16.гелминтологик тахлил.

Оқова сувларга *азот моддалари* (аммоний иони, нитрит,нитрат ионлари) оқсил моддасини парчаланиши натижасида, азотли маҳсулот ишлаб чиқаридаған саноат корхоналари чиқиндилари билан тушади. Сув таркибидаги аммоний ионлари *Netrosomonas* ва *Netrobacter* бактериялари ёрдамида ҳаво кислороди билан оксиланиб нитрит ва нитрат ионларига айланади.

Муаллақ моддалар. Эримаган моддаларни 3 мкм йирик заррачаларни муаллақ моддалар деб номланади. Бу моддалар қоғоз фильтрларда тутиб қолинган заррачаларни 105 °C ҳароратда қуритиб ўлчанганди массига айтилади

Куриқ қолдиқ ва куйдиришдаги йўқолиш

Хлориж ва фаол хлор

Фосфатлар

Радиоактив элементлар

Муҳит кўрсатгичи. Сувдаги муҳит кислотали ёки ишқорийлигини pH кўрсатгичи орқали ифодаланади. Оқова сувларга қушиладиган кислота ва ишқорлар сувнинг фаол реакциясига таъсир этади.Бу кўрсатгич сувдаги

водород ионларининг манфий ўнли логарифмига айтилади. Ҳарорати 25 °С нейтрал сувда pH 7 тенг бўлиб таркибидаги водород ва гироскил гурухлар сони тенгдир.

pH 7 муҳит нейтрал;

pH<7 муҳит кислотали;

pH>7 муҳит ишқорий.

Одатда майший оқоваларда муҳит қўрсатгичи нейтралга яқин бўлиб 6,5...8,5 ни ташкил қиласди. Саноат оқова сувларида бу қўрсатгич кенг Ўзгариши мумкин. Сувда эриган карбонат кислотаси сувга бикарбонатли буферлик хусусиятини, яъни маълум чегараларда қушилган кислота ёки ишқорларни нейтраллаб pH ни сақлаб туришга ёрдам беради.

Оқова сувларни таркидаги умумий органик моддалар ва енгил оксидланувчи анорганик моддалар миқдорини баҳолаш *кислородга кимёвий эҳтиёж* (ККЭ) ва *кислородга биологик эҳтиёж* (КБЭ) каби қўрсатгичлар ёрдамида амалга оширилади. ККЭ оқова сувлар таркибидаги бор органик моддаларни кимёвий йул билан оксидлаш учун сарфланган атомлар кислород миқдорига, КБЭ эса сувдаги органик моддаларни биологик йул билан микроорганизмлар томонидан истемол этилган молекуляр кислород миқдорига айтилади. Шартли равишда КБЭ ККЭ нинг бир қисми деб англаш мумкин.

Одатда, тўла КБЭтўла 20 к-к давомида сарфланган кислород миқдорига айтилади. Бу қўрсатгич узоқ муддат аниқланиши сабабли ниҳоятда нокулайлиги сабабли КБЭ5 5 к-к давомида ҳам аниқланади. Одатда майший оқова сувларда бир кишидан ҳосил бўладиган бу қўрсатгичларнинг мъёри тиндирилмаган оқова сувларда 87 ва 75 г/к-к, тиндирилган оқоваларда эса 46 ва 40 г/к-к ташкил қиласди мумкин. Оқова сувларни механик тозалаш тиндиргичлар амалга оширилса биологик иншоотлар ҳисоби тиндирилган КБЭ асосида бажарилади, акс ҳолларда тиндирилмаган оқовалар КБЭ си асосида бажарилади.

Оқова сувларни таркибан баҳолашда юқорида келтирилган кўрсатгичлардан ташқари хилма хил моддалар улуши, темир, оғир металллар, хлорид, сульфат, нитрит ва нитрат ионлар ва бошқа элементлар улуши аниқланади.

Оқова сувларни бактериологик баҳолашда, одатда, бир мл сувда бактерияларнинг умумий ва ичак таёқчаларинг сони аниқланади. *Коли индекс* бир л сувда аниқланган таёқчалар сонига, *коли титр* эса битта таёқча миллилитр ҳисобида эгаллаган сув хажмига айтилади.

Оқова сувлар таркибига ишлаб чиқариш(саноат) оқова сувлари катта таъсир кўрсатади. Саноат оқова сувлари таркибан фарқ қиласди. Дастреб ҳисоблар учун ухшаш корхоналар оқова сувлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Саноат оқова сувларини билан оқизилганм ифлосликларни тазалаш иншоотларида ҳисобга олиш келтирилган аҳоли сони орқали амалга оширилади.

Саноат оқова сувларидаги ифлосликлар улуши рухсат этилган улушлардан ошмаган пайтда саноат оқова сувларини майший оқовалар билан бирга оқизиш ва тозалаш техник иқтисодий тахлил асосида ҳал этилади. Саноат оқова сувларида ифлосликлар улуши рухсат этилган мъёрлардан ортиқ булган ҳолларда улар локал тозалаш иншоотларида дастлаб тозаланади.

2.3. Оқова сувларини оқизиш тармоқларига қабул қилиш шартлари

- саноат ва майший оқова сувларни бирлаштириш уларни бир хил услугблар ёрдамида тозалашини бир хил иншоотларда олиб боришдагина ўзини оқлайди;
- турли саноат оқова сувларини бирлаштириш натижасида портловчи газ ва буғлар ҳосил қилмаган тақдирда;
- оқова сувлар ҳарорати 40°C дан ошмаслиги керак;

- бирлаштириш натижасида биологик тозалаш жараёнларига салбий таъсир кўрсатадиган бирикмалар ҳосил қилиши мумкин бўладиган оқова сувлар;
- таркибида мой, ёғ, смола, сақич, бензин, нефт маҳсулотлари оғир эримайдиган ифлосликлар қувурларда тиқилиб қоладиган, насос ишига салбий таъсир кўрсатадиган толасимон моддалар бор оқова сувларни РЧУгача локал тозалашдан кейин рухсат этилади;
- шаҳар оқизиш тармоқларига автомобил ва трактор ювиш оқова сувларини тозаламасдан қушиш ман этилади;
- майший ва ифлос саноат оқова сувларини атмосфера оқизиш тармоқларига қушиш тақиқланади;
- шаҳар оқизиш тизимларига, таркибида патоген бактериялар бор күшхона, қорамол, чучқа, парранда фермалари, терига ишлов бериш корхоналариниг оқова сувларини локал тозалаш ва заарсизлантиришдан кейингина қўшиш рухсат этилади;
- Таркибида фақат минерал модда бор оқоваларни;
- Таркибида уювчи кислота ва ишқор бор ёки аралашишдан кейин уювчи хусусият пайдо бўлудиган ва қувур, иншоот мосламалари материалига шикаст етказадиган оқова сувлар нейтрал ҳолга келтирилгандан кейин қушиш рухсат этилади;
- Саноат ёки саноат ва майший оқова сувларининг аралашмасининг муҳит кўрсатгичи 6,5..8,5 ва муаллақ модда улуши 500 мг/л дан ошмаслиги керак.

Оқизиш тармоқларига қор, суюқ ва майдалангандан қаттиқ чиқиндилар оқиздирилиши мумкин. Суюқ чиқиндилар 2..3 хажмда, қаттиқ чиқиндилар эса 2..3 ммгача майдаланиб 8..10 маротаба сув билан аралаштирилди ва панжаралардан ўтказилиб қушилади.

2.4. Шаҳар оқова сувларини флокулянтлар ёрдамида ихчам қурилмаларда тозалашни мавжудлари билан таққослаш.

Теварак – атроф мұхитни экологик тоза, покиза ва озода ҳудудни сақлаш учун оқова сувларни тозалашда ҳосил бўладиган ҳар хил турдаги қаттиқ ва суюқ чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш мақсадида, улардан бири бўлган фойдаланиш ва ишлов бериш жараёнида ҳосил бўладиган оқова сувларни ихчам қурилмаларда тозалаб, сўнгра сув ҳавзаларига ташлаш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан қараганда нафақат оқова сувларни тозалаш муаммоларини ҳал қилишдан иборат, балки уларни тозалашда ҳосил бўладиган чўкмаларига ҳам ишлов бериш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Экологик нуқтаи назардан қараганда теварак – атрофга ва атмосферага чиқариладиган ҳар хил турдаги газлардан ҳам тозалаш муаммолари мавжуд, булар эса оқова сув чўкмаларини маҳсус иншоотларда ишлов берилганда атроф мұхитга чиқадиган газларнинг олди олинади. Натижада атроф мұхитнинг ҳар хил турдаги қаттиқ ва суюқ чиқиндилар билан ифлосланишини олди олинади ҳамда унинг экологик ҳолатини бир оз бўлсада мутадиллаштиришга олиб келади.

Шаҳар, кўрғон ва ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувларини ихчам қурилмалар ёрдамида тозалаш. Бу қурилма таркибига биофильтрлар ва аэротенк – тиндиргичлардан ташкил топган. Қурилманинг мақсади хўжалик – майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалашда физик – кимёвий ишлов беришга мўлжалланган. Бу қурилманинг юқори қисмида биофильтр ва пастки қисмида аэротенк – тиндиргич жойлаштирилган.

Оқова сувлар механик тозалангандан кейин дастлаб оқова сувлар аэротенк тиндиргичдан келаётган гиллар билан аралаштириш камерасига келади ва бу ерда аралashiши жараёни содир бўлади, сўнг аралашган аралашма насос орқали биофильтрнинг сув тақсимлаш тармоғига

узатилади. Биофильтрдан ўтган оқова сувлар биофильтр тагида йигилади ва сўнг аэроцион колонналар орқали аэротенк – тиндиргич зонасига юборилади. Колонканинг юқори қисмида уйирмали воронка ҳосил қилиб оқова сув ҳаво билан оқизилади.

Аэрация зонасидан гилли аралашма тиндириш зонасига келади, яъни у ерда бўлиниш содир бўлади.


Демак ихчам курилма аэротенк – тиндиргичда аэрация зонасида гил улуши кўпи билан $4 - 6 \text{ г/дм}^3$ ни ташкил қиласиди. Тозаланган оқова сувлар ариқлар орқали кейинги ишлов беришга ёки сув ҳавзаларига юборилади.

Ишлов берилаётган оқова сувларни аэротенкда кислород билан тўйинтириш қўшимча кислород билан тўйинтириш аэрацион колонналар ёрдамида амалга оширилади.

Биологик фильтрларнинг хусусияти ижобий, яъни оксидланиш, масса алмашиниш хусусияти ва чидамлилиги юқори, ифлослайдиган моддаларнинг оксидланиши ва энергия харажати паст, аэротенк – тиндиргичларнинг тозалаш эффиқти юқори.

Дастлаб араласиши камерасида фаол гил билан оқова сувларнинг аралашади ва араласиши идеал ҳолатда, сўнг аэрация зонасида бутун ҳажми бўйича аралашади, охир оқибат тиндириш зонасидаги муаллақ гил қатлами орқали фильтранади, натижада оқова сувларнинг тозаланмаган қисми юқори сифатли тозалашга эришилади.


Оқова сув ва фаол гил аралашмаси, яъни тинитилмаган оқова сувлар билан биофильтр юкламаси сугорилади, демак муаллақ модда улуши $3 - 6 \text{ г/дм}^3$ ни ташкил қиласиди, одатий юқори юкламали биофильтрга нисбатан гидравлик юклама $2 - 3$ мартаға юқори ва сугориш юкламаси тухтовсиз амалга оширилади.



Расм – 1. Оқова сувларни тозалаш эффицитига флокулянттарнинг молекулар массасини боғлиқ чизмаси.


Шаҳар оқова сувларини ихчам қурилмаларда тозалашда флокулянттар құлланилғанда флокулянт улуши 0,5 мг/л миқдорида олиніб муаллақ моддалар миқдори иккита тажриба учун 2400 мг/л ва 700 мг/л қилиб олинди ва бұу флокулянттарнинг молекулар массаси 10^{-6} бўлган флокулянттар қўшилғанда шаҳар оқова сувларини тозалаш эффицити натижалари қўйидаги расм – 1 да келтирилган.

Ёпишқоқлик тафсифига боғлиқ ҳолда бир нечта катион ва анион флокулянттар билан ишлов берилғанда оқова сувларнинг тозаланиш эффеクトлар қўйидаги графикда батафсил келтирилган. Флокулянттарнинг молекулар массаси қанча юқори бўлса, шунчалик кўп заррачалар флокулянтнинг микромолекулалари билан боғланади ва тозалаш эффицити шунчалик юқори бўлади. Бу кўрсаткичлар флокулянт улушини оқова сувларни тозалаш эффицитига боғлиқлиги билан анқланади. Графикдаги 1; 3 чизиқлар катион кўринишли флокулянттар билан ва 2; 4 – чизиқлар эса анион кўринишли флокулянттар ишлов берилғанда олинган натижалар асосида ҳосил бўлган график чизиғидир.



Расм – 2. Катион ва анион күринишли флокулянтлар қўлланилганда флокулянтлар улусига боғлиқ шаҳар оқова сувларидаги қолдик музаллаң моддалар миқдорини аниқлаш чизмаси.

Оқова сувларни тозалаш эфективлигининг флокулянт зарядига боғлиқлик графигини қуришда икки хил турдаги флокулянтлар билан амалга оширилди. Флокулянтлар (Флокатан 200 ва флокатон КД) улуси 2 мг/л бўлганда, флокулянтлар зарядига боғлиқ ҳолда оқова сувларни тинитиши эфектилиги графиги



Расм – 3.Оқова сувларни тозалаш эфектини флокулянт зарядига боғлиқлик чизмаси.

Дастлаб оқова сувлар панжара ва қумтутгичлардан ўтгандан кейин чуқур биологик тозалаш жараёнига келади ва оқова сувларни бу ерда биофильтр ёки аэротенк – тиндиргич қурилмасида тозалаш жараёни олиб борилади. Бу жараёнда яъни биофильтрда кислородга биологик эҳтиёж (КБЭ) нинг ҳисобли тозалаш эфекти 69 % ни, аэротенк – тиндиргичда КБЭнинг ҳисобли тозалаш эфекти 31 % ни ташкил қиласи. Умумлашган иншоотларда биомасса ва фаол гиллар тўлиқ оксидланишга эришилади. Фаол гиллар юқори минералларга (куллиги 35 %) ва паст солиширма қаршиликларга ($33\ldots45$) 10^{-10} см/г эга бўлади.

Шундан сўнг, ушбу қурилмамиизда булардан ташқари кейинги этап жараёнларидан бири бўлган ишлов берилган оқова сувларни чуқур тозалаш, заарсизлантириш жараёнларини ҳам давом эттириш мумкин бўлади.

II боб бўйича хулоса


Диссертация ишининг мазкур бобида шаҳар ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш оқова сувларининг таркиби, минерал ва органик моддалар, биологик ва бактериологик ифлосликлар, оқова сувлардаги эримаган ифлосликлар, дисперс тизимлар, оқова сувларнинг кимёвий кўрсаткичлари, азот моддалари, муаллақ моддалар, муҳит кўрсаткичлари, кислородга кимёвий эҳтиёж, кислородга биологик эҳтиёж, оқова сувларни оқизиш тармоқларига қўшиш шартлари келтирилган. Уларни тозалаш усулларининг таҳлили бўйича мазкур соҳага тегишли шаҳарлардан ҳосил бўладиган оқова сувларнинг турлари ва таркиби ўрганилиб чиқилди, ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш усуллари таҳлил қилинди ва таркибida муаллоқ моддалар бўлган оқова сувларни замонавий иншоотларни тозалаш назарияси қараб чиқилди.

Ихчам замонавий қурилмаларда тозаланган шаҳар оқова сувлари юқорида қараб ўтилган ифлосликлар микдорининг анчага пастлиги билан ажралиб туради.

Шунинг учун бу турдаги қурилмаларни барча турдаги хўжалик – майший ва ишлаб чиқариш корхоналарининг оқова сувларини тозалашда ҳам ишлатиш мақсадга мувоғик деб ҳисоблаймиз.


Бу турдаги ихчам қурилмалар нафақат кичик микдордаги оқова сувларни тозалашда ишлатиш мумкин, катта микдордаги оқова сувларни тозалашда ишлатса ҳам бўлади ва кенг миқиёсда ишлатиш мумкинлиги тўғрисида олинган тадқиқот натижалари шундан дарак беради.

Шаҳар оқова сувларини ихчам қурилмаларда тозалашда флокулянтлар қўлланилганда флокулянт улуши 0,5 мг/л микдорида олинниб муаллақ моддалар микдори иккита тажриба учун 2400 мг/л ва 700 мг/л қилиб олинди ва бу флокулянтларнинг молекуляр массаси 10^{-6} бўлган флокулянтлар қўшилганда шаҳар оқова сувларини тозалаш эфекти натижалари қўйидаги расм – 1 да келтирилган.




Расм – 1. Оқова сувларни тозалаш эффициента флокулянтларнинг молекуляр массасини боғлиқ чизмаси.

Ёпишқоқлик тафсифига боғлиқ ҳолда бир нечта катион ва анион флокулянтлар билан ишлов берилганда оқова сувларнинг тозаланиш эффеクトлар қўйидаги графикда батафсил келтирилган. Флокулянтларнинг молекуляр массаси қанча юқори бўлса, шунчалик кўп заррачалар флокулянтнинг микромолекулалари билан боғланади ва тозалаш эффициенти шунчалик юқори бўлади. Бу кўрсаткичлар флокулянт улушкини оқова сувларни тозалаш эффициента боғлиқлиги билан анқланади. Графикдаги 1; 3 – чизиклар катион кўринишли флокулянтлар билан ва 2; 4 – чизиклар эса анион кўринишли флокулянтлар ишлов берилгандан олинган натижалар асосида ҳосил бўлган график чизигидир.



Расм – 2. Катион ва анион күринишли флокулянтлар қўлланилганда флокулянтлар улушига боғлиқ шаҳар оқова сувларидаги қолдиқ муаллақ моддалар миқдорини аниқлаш чизмаси.

Оқова сувларни тозалаш эфективлигининг флокулянт зарядига боғлиқлик графигини қуришда икки хил турдаги флокулянтлар билан амалга оширилди. Флокулянтлар (Флокатан 200 ва флокатон КД) улуши 2 мг/л бўлганда, флокулянтлар зарядига боғлиқ ҳолда оқова сувларни тинитиш эффициентиги графиги



Расм – 3. Оқова сувларни тозалаш эффициентини флокулянт зарядига боғлиқлик чизмаси.

Дастлаб оқова сувлар панжара ва қумтутгичлардан ўтгандан кейин чуқур биологик тозалаш жараёнига келади ва оқова сувларни бу ерда биофильтр ёки аэротенк – тиндиргич қурилмасида тозалаш жараёни олиб борилади. Бу жараёнда яъни биофильтрда кислородга биологик эҳтиёж (КБЭ) нинг ҳисобли тозалаш эффициенти 69 % ни, аэротенк – тиндиргичда КБЭнинг ҳисобли тозалаш эффициенти 31 % ни ташкил қиласи. Умумлашган иншоотларда биомасса ва фаол гиллар тўлиқ оксидланишга эришилади. Фаол гиллар юқори минералларга (куллиги 35 %) ва паст солиширма қаршиликларга ($33\ldots45 \cdot 10^{-10}$ см/г эга бўлади.

III БОБ. “ШАҲАР ОҚОВА СУВЛАРИНИ ЧУҚУР ТОЗАЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ” ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ.

3.1. Ихчам қурилма ва унинг ишлаш жараёни

Бу қурилма посёлка шаҳар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлов бериш ва ишлаб чиқариш корхоналарнинг оқова сувларини тозалашда янги турдаги ихчам қурилмаларни ишлатиш мумкин.


Тизимнинг марказий қисмига биофільтр ва аэротенк – тиндиригич белгисига эга бўлган ихчам қурилма киради. Биофільтр – барқарорлаштиргич дан фарқи ихчам иншоотда биофільтрлар ўзи билан бирга асосий эмас аммо элемент таркибини кўрсатади. Биофільтр тагида жойлашган сифимда фаол гил билан аэробли тозалаш иншоотининг функцияси бажарилади. Компрессорли ёки механик аэраторларни қўлланилишига нисбатан иншоотларни ишлатилишга қараб таққослагандан ихчам қурилмали водоструйли аэрациялаш ишончли ва иқтисодий жиҳатдан қулайроқ ҳисобланади.

Хўжалик – майший ва ишлаб чиқариш оқова сувларининг тозалашни таъминлашда ихчам қурилма оригинал технологик ҳал қилишгаолиб келади. Ихчам қурилмасининг конструктив асосийлиги унинг унумдорлигини аниқлашдан иборатdir.

Улушланган ва юқори улушли оқова сувларни тозалаш ва биоген элементларни чиқариш керак бўлганда технологик тасвирга қўшимча биокоагулятор, анаэроб ва аэробли реакторларни қўшиш мумкин, конструктив ҳал қилишни қўллаш билан оқова сувларни физик – кимёвий ишлов бериш учун иншоотларни қўшиш мумкин.

Ихчам қурилма иккита асосий технологик тугун биофільтр ва унинг тагида жойлашган аэротенк – тиндиригичдан иборат (14,15,16,17,18). Организмларнинг биодеградации ва ненорганик поллютанларнинг

биотрансформацияни кослород билан биологик жараёнинин таъминлаш учун ва аэротенк – тиндиргичнинг аэрацион зонасида муаллақ модда ҳолатини фаол гилни ушлаш учун водострйли аэрация қўлланилади. Ишоот таркибига аралашиш камераси ва циркуляцион насос ҳам киради ҳамда 7.1.1. да ихчам қурилмаси тасвирланган.



Расм. 7.1.1. Схема КС

Алоҳида йирик дисперс модда ва қумлардан тозаланган, яъни дастлабки механик тозалашдан кейин оқова сувлар, яъни аэротенк – тиндиргич 2 га келадиган гиллар билан оқова сувлар аралашиши содир бўладиган аралашиш камераси 1 га юборилади. Аралашиш камерасидан гил билан оқова сувларнинг аралашмаси циркуляцион насос 3 лар билан биофільтр 3 тизимиға юборилади, яъни чиқариш патрубка 4 ли ва сочратиш дисклари 5 билан тақсимлаш ариқчаларидан иборат. Дисклар билан суюқликни оқими сачратиб узатилади ва биофільтрни силлиқ юкламаси 6 га сепилади. Биофільтр орқали ўтган суюқлик таглик 7 да йиғилади ва аэрационли колонна 8 орқали аэротенк – тиндиргич 9 нинг аэрацион зонасига юборилади.

Аэрацион колонка бўйича унда суюқликлар ҳаракатланганда паст

босимли зона ҳосил бўлади, ҳамда колоннанинг юқори қисмида воронка ҳосил бўлади, яъни ҳаво билан қўшилади. Аэрацион зонасида ўзига хос колоннанинг жойлашиши, ҳар хил бурчак остида қувурларни жойлашиши, колоннанинг таг қисмининг тагликгача масофаси 0,2 – 0,4 м гача бўлиши, газли суюқлик оқимининг ҳаракати ҳосил бўлади, яъни аэрация зонасида гилли аралашмаларнинг эфектли аралashiши таъминланади. Аэрация зонасидан гилли аралашма тинитиш зonasи 10 га келади, яъни унинг бўлиниши содир бўлади. Гилнинг асосий қисми аэрация ва тинитиш зоналари орасидаги тешик орқали зичланади, аэрация зонасига қайтади, гилнинг бошқа қисми эса тозаланган сув оқими билан қўшилиб келади ва тутиладиган майда заррачали ифлослик ва гиллар тинитиш зонада муаллақ модда қатлами ҳосил бўлади, дарҳақиқат муаллак моддалар оқиб келишининг олди олинади ва оқова сувларни тозалаш эфекти ошади.

Демак, ихчам қурилма аэротенк – тиндиргичнинг асосий конструктивлиги аэрация зонасида гил улуши кўпи билан 4 – 6 г/л ни ташкил қиласи, яъни аэротенкларнинг одатий конструкциялари учун унинг юқори ўсишга олиб келади. Органик субстрат (микроорганизмлар озиғи) бўйича гилга тушадиган юклама етарлича юқори бўлганда, ихчам қурилмада оқова сувларни чуқур тозалашга олиб келиши мумкин. Тозаланган оқова сувлар йиғиш ариғи орқали чиқарилади ва керак бўлганда кейинги ишлов беришга ёки ҳавзага чиқаришга юборилади.

Ишлов берилаётган оқова сувларни кислород билан тўйинтириш қуйидагича амалга оширилади:

- Биофильтр юкламасига оқова сув ва гил аралашмасини сепишда даврида сувдаги ҳаво кислородини эриши;
- Биоқильтринг силлиқ юкламаси юзаси бўйича юпқа қатламдан оқишида масса алмашиниш натижасида;
- Аэрацион колоннада қўшимча кислородни эриши ва ҳаво пуфакчаларининг кутарилиши ҳисобига ҳаво кислороди билан ишлов

берилаётган оқова сувни аэротенқда тўйиниши.

Ихчам қурилмада водоструйли аэрация жараёни биофильтрнинг таглигидаги йиғиш урасида жойлашган колоннанинг юқори қисмидаги аниқланган суюқлик сатҳи ва колоннанинг суюқлик ичида жойлашган қисми баландлиги нисбати билан амалга оширилади; бу ҳолда, қувур тешигига кирадиган жойда ҳаво ядрои билан уюрмали воронка пайдо бўлади. Водоструйли турдаги аэраторларда худди шундай жараён ишлатилади, яъни гидрокомпрессорларда ҳам. Гидрокомпрессорлар ишини тадқиқот қилишда, шунингдек энг катта қизиқиш гидрокомпрессор оқимли турдаги билан тажриба натижасида минимал босимда ҳавонинг суриш миқдори тақдим этилади (30). Тадқиқот натижаларига мос равища эжекцияни ҳажмий коэффициенти $q_e/Q_x = 1,7 - 1,9$ (q_e - ҳаво сарфи, Q_x - суюқлик сарфи) водоструйли эжекторнинг максимал ФИКда 0,68 – 0,76 . Эжектордаги босим йўқолиши бунда 0,35 дан 1,5 сув устунигача ўзгаради.

3.2. Ихчам қурилманинг назарияси ва ҳисоби

Ихчам қурилманинг ташкил қилинишида биологик фильтр ва аэротенк – тиндиргичларни ижобий хусусиятларининг бирлаштириш ғояси натижасида пайдо бўлди.

Ихчам қурилма идеал аралаштирадиган реакторлардан иборат: араласиши камерасида фаол гил билан оқова сув дастлаб аралашади, сўнг биофильтр биосенози билан алоқада бўлди, кейин аэрация зонасининг бутун ҳажми бўйича тенг миқдорда киради ва аралашади ҳамда тинитиш зонасидаги муаллақ моддалар қатлами орқали фильтранади. Ихчам қурилма конструкцияси тозаланмаган оқова сувлар ўтишидан иборат эмас ва юқори сифатли тозалаш таъминланади. Оқова сувларни тозалаш жараёни умумий ташкил қилиш, биофильтр – аэротенк – тиндиргич тизимиининг ташкил этилиши, органик ифлосликларни тўлиқ оксидлашга, биомассани қисман минераллашга ва нитрификацияга ҳисобланган

узайтирилган аэрация режимида оқова сувларни тозалаш жараёни амалга оширилади.

Биофильтрларда оқова сувларнинг органик ифлосликларини оксидланиши иммобилизацияланган микрофлорада амалга оширилади.

Ихчам қурилма аэротенк – тинитгич конструкцияси биофильтрда тутиб қолинмаган органик ифлосликларни биодеградациялаш жараёнини, биомассани чуқур минерализациялаш ва тозаланган сувдан гилни ажратишни амалга ошириш учун мўлжалланган. Органик юкламалар ошган даврида органик моддалар бўйича юқори юклама билан аэротенк – тиндиргичлар ишлайди.

Кейинчалик ихчам қурилмага чиқишида нормальни тартибда ишлайди, биофильтрда биоценоз ва фаол гиллар орасидаги ифлослайдиган модданинг қайта тақсимланиши содир бўлади. Фаол гил даги органик моддалар бўйича юклама пасаяди.

Оқова сувларни биологик тозалашга таъсир қиласиган асосий омилга дастлабки оқова сувнинг ҳарорати ва ташқи ҳаволар киради. Иссиқ иқлимли шароитларда ишлов берилаётган оқова сувларни имиши натижасида ҳаво кислородининг эрувчанлиги ва тозалаш жараёнини тезлиги ортади.

3.3. Лаборатория қурилмаси тузилиши ва тажриба ўтказиш услублари

Оқова сувларнинг тиндириш жараёнини экспериментал ўрганиш тиндиришдан ташқил топган лаборатория қурилмасида ўтказилди. Компакт қурилма иншоот кўринишда тайёрланди.

Ихчам қурилма аэротенк – тиндиргич, сарф сифимли идишдан иборат. Қурилмада тажриба ўтказиш тартиби қуйидагича олиб борилди:

- қурилманинг сарф сифимида модул сувини тайёрлаш;
- аэротенк – тиндиргич таги маълум бир керакли қиялик бурчаги остида ўрнатиш;

- насос агрегатни ишга тушириш (манбага улаш);
- оқова сув аэротенк – тиндиргич олдида ўрнатилган насос орқали қурилмада керакли сув сарфини ҳосил қилиш;

Тажриба ўтказишида модул сув шаҳар оқова сувлари аэротенк – тиндиргичидан олинган чўкмани аралаштириб тайёрланади. Модул суви улушининг бир хиллигини таъминлаб туриш учун сарф сифимида сув доимий равишда босимни меъёrlаштирувчи идишнинг перелив қувуридан тушаётган ортиқча сув ёрдамида аралаштирилиб турилади.

Шаҳар ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувлари таркибидаги муаллоқ моддалар дисперслиги тиндириш услуби орқали гранулометрик чизиқли график асосида аниқланди [20]. Бунда сувни тиндириш баландлик бўйича маҳсус шкалаларга бўлинган шиша цилиндрик лаборатория идишида бажарилди. Модул сув таркибидаги муаллоқ моддалар дисперслиги эса цилиндрик шиша идишда ишлов берилаётган тиндирилаётган сувнинг маълум баландликларидан пипетка ёрдамида проба олиш ва уни таҳлил қилиш орқали аниқланди. Аэротенк – тиндиргичда оқова сувнинг ишлов бериш давомийлиги ва сувнинг харакат тезлиги сув сарфи ва аэротенк – тиндиргич кўндаланг кесими юзаси ҳамда узунлигига боғлиқ равишда ҳисобланди. Сув сарфи вақт бирлиги ичida ўлчов сифимида келиб тушган сув миқдори бўйича ҳисобланди. Тажриба ўтказишида сувнинг талаб этилган сифат кўрсаткичлари ва улушини аниқлаш анализ ўтказиш тартибида асосан тегишли қонун ва қоидалар бўйича олиб борилади [20].

Ҳар бир тажриба 5 – 6 марта қайтарилиб улардан ўртача қиймат олинди ва қийматларнинг ўлчов бирлиги қуйидагича қабул қилинди: заррачанинг гидравлик йириклиги (чўкиш тезлиги) $\text{мм}/\text{с}$, сув сарфи $\text{м}^3/\text{соат}$, тиндиргичнинг кўндаланг қирқим юзаси м^2 , масофаси мм .

Аэротенк – тиндиргичнинг эффектли масофаси, заррачаларнинг чўкиши тезлиги, заррачаларнинг фракциялар бўйича тарқалиши,

фракцияларнинг ҳар бирининг тозаланиш даражаси оқова сувларини тиндиригичда тозалаш жараёнининг математик модели орқали текшириб курилди. Оқова сувларини аэротенк – тиндиригичда тозалаш жараёнининг математик модели мазкур бобнинг 3.2 бандида батафсил баён қилинган ва изохланган.

Лаборатория қурилмасида сув оқими тезлиги, сувнинг тозаланиш даражасига таъсири экспериментни математик режалаштириш усулини кўллаб ўрганилди.

Биринчи навбатда оқова сувларнинг муаллақ жинслардан тозаланиш даражаси оқимнинг ўртача тезлигига боғлиқлиги ўрганилди. Иккинчи этапда сув тиниши оқимнинг ҳар хил тезлигига боғлиқлиги ўрганилди. Тажрибанинг учинчи кисмида эса оқова сувларнинг муаллақ моддалардан тозаланиш даражасининг характерли эфектли чўкиш юзасига боғлиқлиги ўрганилди.


Модел қурилмаси тадқиқотида кўрсатилган омилнинг таъсири, эгилиш бурчаги 15, 25 ва 40 градус бурчакда жойлашганда 50 ммли аралashiш колоннасида оксидланиш қобилияти миқдори аниқланди ҳамда маълумотлари 7.2 – жадвалда келтирилган. Модел қурилмасининг ўлчамлари резервуардаги сув ҳажми – 1,8 m^3 , суюқлик сатҳидан колоннанинг баландлиги – 2 метр, суюқлик ичидаги колоннанинг баландлиги – 2 метр.

Эгилиш бурчагига боғлиқ ҳолда оксидланиш қобилияти жадвал – 7.2

Вертикал бўйича колонна нинг эгилиш бурчаги	Сувнинг ҳарорати ${}^{\circ}C$	Пасвер а коэффициент	Циркуляцияла наётган суюқлик сарфи, $m^3 / соам$	Масса узатишнинг ўртача коэффициенти K_s	Оксидлаш қобилияти OC_s , $\varepsilon Q_2 / соам$
-	26,0	0,742	11,06	9,80	147,64
-	27,2	0,728	11,55	11,04	162,76
15	28,6	0,707	11,62	9,44	135,18

15	28,3	0,707	11,93	9,78	140,13
25	27,7	0,721	12,73	8,57	125,12
25	27,8	0,716	11,93	8,18	118,34
25	266	0,735	12,28	8,89	132,37
40	25,0	0,756	12,0	6,02	92,27
40	27,8	0,714	12,59	7,58	109,59


Гидрокомпрессор қурилмаси каби водоструйли эжекторда ҳам ҳавони тортишга таъсир қиласиган асосий омилга, яъни сувли ҳаво оқимининг ҳаракатланадиган колонна баландлиги ва диаметри киради.



Расм – 1. Колонна диаметри 50 ммли қувурининг жойлашиш бурчагига боғлиқ ҳолда оксидланиш даражаси. 1 – колонна қувури 15 градус бурчак остида жойлашиши, 2 – колонна қувури 25 градус бурчак остида жойлашиши, 3 – колонна қувури 40 градус бурчак остида жойлашиши.



Расм. Аэрацион колоннани кўриниши



Расм. Аэрацон зонасини кўриниши.

Тажрибадан маълум бўлишича ихчам қурилманинг колоннасининг вертикал жойлаштирилиш бурчаги градусидан кўриниб турибдики, диаметри 50 мили колонна қувурининг жойлашиши қанчалик тик жойлашган бўлса ундаги ҳаво билан оқова сувларнинг аралashiши, яъни оксидланиш даражаси шунчалик катта бўлади.

Органик ифлосликлардан оқова сувларни тўлиқ тозалашни ҳам ихчам қурилмалар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Тўлиқ оксидлаш тартибида

ихчам қурилма ишлаганда тиндириш зонасида минераллашган биомасса оппоқ момиқлар ҳосил бўлади, яъни тозаланган оқова сув билан бирга чиқарилади. Муаллақ моддалар улуши ва БПК бўйича қолдиқ органик ифлосликларни пасайиши тўлиқ тозалаш иншоотларида амалга оширилади.

Механизм бўйича тўлиқ тозалаш иншоотини умумий ҳолатда икки турга бўлиш мумкин. 1 – чиси бу тўлик тозалаш иншооти, юкламалар орасидаги бўшлиқда муаллак моддаларни механик тутилиши киради. Бу жараён фильтрларнинг юкланган материаллар сифатида кварц қуми, фаоллашган кўмир ва бошқалар билан амалга оширилади. 2 – чи иншоотга, биосорбции ва биодеградации жараёнлари киради. Бу иншоот сунъий қаттиқ валокна ёки фаоллашган кўмир билан юкланади.

3.4. Экспериментал тадқиқотлар натижалари ва уларни таҳлил қилиш

Шахардан ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувлари асосан муаллоқ жинслар билан ифлосланган. Адабиётлар таҳлили шуни қўрсатдики ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувлари таркибидаги муаллоқ жинслар одатда аэротенк – тиндиригичнинг тиндириш йўли билан тозаланади. Мазкур соҳага оид шаҳар ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувларини аэротенк - тиндиришда ихчам ва унумдорлиги юқори бўлган Аэротенк – тиндиригичлардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олиш мақсадида, ҳозирги кундаги замон талаб даражасидаги замонавий қурилмалардан фойдаланиб, ҳар хил турдаги шаҳар ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувларини тозалашнинг замонавий йўлларини қараб чиқишга олиб келади, турли хил турдаги тозалаш иншоотларини яратиш ва қуриш талаб этилади. Бунинг натижасида нафақат ҳар хил турдаги тозалаш иншоотларини яратиш, яратилган замонавий тозалаш иншоотлари орқали ҳар хил турдаги

коагулянт ва флокулянтларни қўллашга ҳам тўғри келади. Натижада тозаланаётган саноат корхона оқова сувларнинг тозаланиш эффиқти ошади ва атроф муҳит ҳамда сув ҳавзалари ифлосланишининг олди олинади.

Бу масала юзасидан сўнги йилларда бир нечта илмий ишлар олиб борилмоқда, шу жумладан коагулянт, анион ва катион кўринишидаги флокулянтларни қўллаб ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувларини тозалаш иншоотларини лойиҳалаш мақсадга мувофиқдир.

Биз олиб борган тажриба натижалари шундан иборатки шаҳар ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувлари анион кўринишли коагулянт ва флокулянтлар билан биргаликда тозаланганда, оқова сувларни тозалаш даражаси 60,77 % дан 97,87 % гача натижага эришилди. Бу жараён 1,1 соатдан 3,2 соатгача давомида максимал тозалаш 97,87 % ни ташкил қилди. Кейинги деярли 2,8 соат давомида 90,14 % дан 98,35 % гачага эришилди. Шаҳар ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувлари коагулянт ва катион кўринишли флокулянтлар билан биргаликда тозаланганда, оқова сувларни тозалаш даражаси 22,67 % дан 97,16 % гача натижага эришилди. Бу жараён 5 соат давомида максимал тозалаш 97,16 % ни ташкил қилди. Кейинги 3 соат давомида 19,89 % дан 86, 11 % гачага эришилди. Шаҳар ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувлари катион кўринишли флокулянтлар билан тозаланганда, оқова сувларни тозалаш даражаси 42,02 % дан 69,44 % гача натижага эришилди. Бу жараён 6 соат давомида максимал тозалаш даражаси 69,44 % ни ташкил қилди. Кейинги 4,0 соат давомида 50,03 % дан 96,84 % гачага эришилди. Катион кўринишли флокулянтлар билан шаҳар ишлаб чиқариш ва хўжалик – майший оқова сувларини тозалаш жараёнига нисбатан коагулянт ва катион кўринишли флокулянтлар билан биргаликда тозалашда тиндириш вақти ва тозалаш эффиқти анча юқорилиги тажриба натижаларидан кўриниб турибди.

Бу юқоридаги олинган натижалар шу қурилма ёрдамида флокулянтлар иштирокида оқова сувларни тозалаш олиб борилди. Натижада ихчам қурилмаларни ўзи билан олиб борилған натижаларга нисбатан қимматлиги билан ажралиб туради. Шу юқоридаги натижаларга ихчам қурилмаларда оқова сувларни тозалаб ҳам эришиш мүмкін эканлиги юқорида көлтириб ўтилған.

III боб бўйича хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ихчам қурилма ёрдамида нафақат, юқори улушли шаҳар оқова сувларини, биологик тозалаш имконияти мавжуд. Ихчам қурилмамиз ихчамлиги ва тозалаш эфекти юқорилиги билан оқова сувларни тозалашда бошқа турдаги тозалаш иншоотларидан анча фарқ қиласи ҳамда оқова сувларнинг қуввати турличалиги билан ажралиб туради.

Шу билан бирликда биз таклиф қилаётган умумлашган қурилма кам жойни эгаллайди ва паст ҳамда юқори улушли оқова сувларни тозалашда юқори эфектликга эгадир.

Юқори биз таклиф қилган ихчам қурилма ўзининг ихчамлиги ва тозалаш эфектининг юқорилиги, бериладиган кислород микдорини тежаши билан ажралиб туради ва электр энергияси учун сарфланадиган микдори камлиги билан фарқ қиласи.

Флокулянтлар қўлланилиб олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики ихчам қурилмаларга нисбатан кўпроқ маблағ сарфланишга олиб келар экан. Шунинг учун бу турдаги тозалаш қурилмасидан олинган натижалар ихчам қурилмаларга нисбатан қимматга тушганлиги сабабли ихчам қурилмаларнинг ўзида оқова сувларни тазалашни афзал билдик ва бу қурилмани маъқул деб ҳисоблаймиз.

Ихчам қурилма ёрдамида оқова сувлар тозаланаётганда биофильтрларнинг тагида сифимдан то аэротенк – тинитгичнинг таг қисмигача урнатилган колонналарнинг диаметрига ва уларни ўрнатилиш бурчаги градусига боғлиқ ҳолда оқова сув билан ҳаво кислородининг аралashiши натижасида тозаланиши бўйича маълумотлар ва колонналарни вертикал равишда ҳар хил (15, 25, 40) бурчакларда ўрнатилиш градиусига боғлиқ ҳолда оксидланиш жараёни қанчага тенглиги ҳам жадвалда келтириб ўтилган. Шу билан биргаликда циркуляцияланаётган оқова сув сарфи ва оқова сувларнинг ҳароратлари кўрсатиб ўтилган.

Ихчам қурилманинг қўлайлиги шундаки биринчидан габарити кичик, оқова сувларни тозалаш даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда бу ихчам қурилма орқали оқова сувларни чуқур тозалаш ҳам мумкин. Бундан ташқари оқова сувларни тозалашда ҳосил бўладиган чўкмаларга ҳам ишлов бериш имконияти мавжуд.

Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги ЎЗБЕКИСТОН республикаси қонуни. Тошкент, 1993
2. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги ЎЗБЕКИСТОН республикаси қонуни. Тошкент, 1992

II. ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари.

3. ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 14-июндаги 171-сонли қарори «Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун руҳсатнома бериш тартиби тўғрисида» ги низоми.

4. ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 21-январдаги 14-сонли қарори «Экологик норматив лойихаларни ишлаб чикиш ва келишиш тартиби тўғрисида» ги низоми.

5. ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий ва Урта Махсус Таълим Вазирлигининг 2012 йил 29 октябрдаги 418-сонли «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хакида» ги буйругига илова V боб. Диссертацияни тайёрлаш ва химоя қилишга қўйиладиган талаблар.

III. ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

6. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг хаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳатларимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент. «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2007. -2006.

7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фарновонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент. «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2010. -806.

IV. Асосий адабиётлар

8. Канализация населенных мест и промышленных предприятий / Н.Н. Лихачев, И.И. Ларин, С.А. Хаскин и др.: под общ. ред. В.Н. Самохина. - 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Стройиздат, 1981. - 639 б.: ил.
10. Когановский А.М. ва бошқалар. Очистка и использование сточных вод в промышленном водоснабжении. - М.: Химия, 1983. - 288 б
11. Яковлев С.В. ва бошқалар. Очистка производственных сточных вод. - М.: Стройиздат, 1985. - 335 б
12. Яковлев С.В. ва бошқалар. Водоотводящие системы промышленных предприятий. - М.: Стройиздат, 1990. - 511 б
13. Укрупненные нормы водопотребления и водоотведения для различных отраслей промышленности / Совет. Эконом. Взаимопомощи, ВНИИ ВОДГЕО Госстроя СССР. - М.: Стройиздат, 1982. - 590 б.
14. Колесников В.П. патент SU 1020379 (Устройство для биохимической очистки сточных вод) C02 F3/02 30.05.83. Бюл. № 20.
15. Колесников В.П., Гордеев-Гавриков В.К. патент SU 1533239. Устройство для биохимической очистки сточных вод. C02 F3/02 06.10.87. Бюл. № 22.
16. Колесников В.П. патент SU 1761688. Устройство для биохимической очистки сточных вод. C02 F3/02 15.09.92. Бюл. № 34.
17. V. Kolesnikov, E. Vilson, L. Chemikova, V. Vavilin. Paper title: A Novel Combined Reactor (biofilter up and aeration/sedimentation chambers down) for Treatment of Sewage and Agricultural Wastewater. 1st World Water Congress of the International Water Association. Paper Reference No. Np004b.
18. V. Kolesnikov, E. Vilson, V. Vavilin, N. Kolesnikova. Paper title: Effective Sewage Treatment In Combined Reactor. Berlin World Water Congress. Paper Reference No. P 2117.
19. Циклаури Д.С. Гидрокомпрессоры. Госстройиздат. М.
20. Кульский Л.А. ва бошқалар. Справочник по свойствам, методам анализа и очистке воды. - Киев: Наукова думка, 1980. - 680б.